Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 105 (7. 194) 1990 йил 10 май, пайшанба Баҳоси 3 тийин

ЭРТАГА ТОШКЕНТДА ПОЙТАХТ КОММУНИСТЛАРИНИНГ XXVII ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШ БОШЛАЙДИ

Райком: янгиланиш йўлидан

ДЕПСИНИШГА ЎРИН ЙЎҚ

⊙ Бугун диққат-эътиборни партия ҳаётининг ленинча нормаларини тиклаш ва мустаҳкамлаш, партия ички демократиясини, коммунистларнинг ташаббускорлигини кучайтириш, КПССнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини ошириш керак. — Тошкент шаҳар XXVII партия конференцияси арафасида кўпчилик делегат коммунистлар ана шу фикрни қатъиян билдирдилар.

ДАРҲАҚИҚАТ, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси тўғрисида М. С. Горбачев қилган докладида «Партияни янгилаш уни чуқур, ҳар томонлама демократиялашиш, демократик централизм принципини демократизмга, партия оммасига уруғу бериб, қайта идрок этишни кўзда тутади... Ҳозирги пайтда коммунистлар ва мамлакат барча гражданларини ҳаяжонга солаётган нарса — қайта қуриш тақдири, мамлакат тақдири ҳамда инқилобий ўзгаришларнинг ҳозирги, чамаси энг масъулиятли босқичида КПССнинг тутган ўрнидир», деб ҳаққоний таъкидлаб ўтди.

— Ҳа, бугунги кунда партиямиз ўз бошидан оғир ва масъулиятли бир даврни кечирмоқда, — дейди Акмал Икромов район партия комитетининг биринчи секретари Қудратилла Мирсоатович Рафиқов. — Менинг фикримча, партия ишини янгилаш икки томонлама бўлиши керак. Акс ҳолда қайта қуриш суръатидан унинг ташаббускори — КПССнинг ўзи орқада қолаверади. Агар биз партияни янгилашга айтайлик икки томонлама ёндошсак, яъни райкомнинг биринчи котиби бошланғич партия ташкилоти котибидан талаб қилибгина қолмай, аксинча ўз навбатида ана шу бошланғич партия ташкилоти котиби ва оддий коммунистлардан «юқорига» кучли туртки бўлиб турса, уларнинг фикр ва мулоҳазалари тўлиқ ҳисобга олинсагина ҳақиқий ўзгаришлар бўлади. Ана шу тарзда иш юритиш КПССга жамиятимизда қонуний тарзда ўзининг яловбардорлигини эгаллаш имконини беради, деб ўйлайман. Афсуски, ҳозирча партиявий таъсир кўрсатиш бир ёқлама — фақат юқоридан бўлиб қолаяпти. Партия юқори органлари қуйи партия ташкилотлари таъсир доирасидан четда туриб қолмоқдалар. Уларнинг тўла куч-қувват билан ишлаши учун, ўз-ўзини қайта қуриши учун қуйи бўғинларнинг юқори ташкилотларга таъсир ўтказадиган йўлларини қидириб топиш лозим...

Ўтган сайловларга тайёргарлик ишлари бу район партия ташкилоти учун етуклик ва ташкилотчилик, оммавий-сиёсий ишларини ташкил этишда катта имтиҳон бўлди. Акмал Икромовликлар республика Олий Совети ва маҳаллий Советларга ўзлари жуда яхши билган, меҳнатда ва ҳаётда синалган энг яхши вакилларини номзод қилиб кўрсатдилар ва сайладилар. Район партия комитети номзодлар билан учрашувлардан тортиб, сайловолди ташвиқотларигача, қўйингчи ҳар бир сайловчи билан якка ҳолда иш олиб боришдан тортиб, сайловчиларнинг ўз номзоди учун тўла овоз беришини таъминлашгача бўлган вақт мобайнида аҳолига ғоявий таъсир ўтказди ва сайловни ташкил қилишда энг самарали усуллардан фойдаланишни тавсия этди.

Яқинда бўлиб ўтган район партия ташкилотининг V конференцияси ҳам фикримизни яққол исботлаб турибди. Ҳисобот даврида район партия ташкилотида ишчанлик вазияти ҳукм сурди. Унинг сайлаб қўйилган аъзолари ўз вазифаларини сидқидилдан адо этдилар. Кейинги йилларда бу ерда партияга қабул қилиш ва партия сафларининг мустаҳкиллигини оширишда янгича услублар юзага келди. Ана шу мақсадда ишлаб чиқилган муҳим ташкилий-сиёсий ва ғоявий тадбирлар бир неча маротаба район партия комитети пленумларида, бюроларида ва комиссияларининг йиғилишларида муҳокама қилинди.

Ҳозир район партия ташкилоти ҳисобида 4141 КПСС аъзоси ва 62 аъзоликка номзод бор. Район партия комитети фаолиятида партия сафларини тўлдириш ва мустаҳкамлашга қаратилган сиёсий ва ғоявий ишлар алоҳида ўрин тутади. Бу ерда КПСС сафларини тўлдириш учун икки йиллик танлаш системаси таркиб топди ва ўз самарасини кўрсатди. Масалан, 1989 йилда КПСС аъзолигига номзодликка қабул қилинган 65 кишининг ҳаммаси резервда турарди ва тегишли тайёргарликдан ўтган эди. Ҳисобот даврида КПСС сафига қабул қилинганлар сони кутилгандан зиёда бўлди. Бу даврда КПСС сафидан ўчирилганлар ва чиққанлар 75 кишини ташкил қилди. Район партия ташкилотининг сафи ҳисобот даврида 124 коммунистга кўпайди. Бундай натижаларга райком аъзоларининг, бошланғич партия ташкилотларининг аниқ бир мақсадга қаратилган, пухта ўйланган ишлари туфайли эришилди. Бу партия учун оғир янгиланиш даврида тақдирини КПСС билан боғлашни хоҳловчи ҳар бир киши билан олиб борилган ишлар самараси бўлди.

Район партия комитети ўтган йилнинг 1 октябридан бошлаб КПСС сафига қабул қилишнинг янги услуби тажрибасидан фойдаланмоқда. Бу эса бошланғич партия ташкилотларига КПСС сафига қабул қилиш масалаларини ўзлари тўлиқ ҳал қилиш ҳуқуқини берди. Қабул қилиш учун ҳужжат қоғозлари бир вараққача қисқартирилди. Ҳозирги кунда тажриба шароитида партия аъзолигига номзодликка 23 киши қабул қилинди. Айниқса соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг автомобиль корхонаси, 62-ўрта мактаб, прокуратура, озиқ-овқат савдо идораси, 7-шаҳар шифохонаси партия ташкилотлари дуруст ишларни амалга оширдилар. Бироқ бўлқа-қандолатчилик комбинати, заргарлик заводи, 2812-автоколонна, «Узпишчепромтранс» бирлашмаси, 12-қурилиш трести, «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа қатор корхоналарнинг партия ташкилотлари эътиборидан партия сафларини шакллантириш четда қолганга ўхшайди. Улар партия сафларини тўлдириш учун ҳаракат қилмаяптилар.

Афсуски, ҳали район партия ташкилотида барча ишлар кўнгилдагидек кетяпти, деб бўлмайди. Партия сафларига янги аъзолар қабул қилишда расмий юзаки қарашлар учраб туради. Масалан, «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида, булка-қандолатчилик комбинатида номзодларнинг КПСС сафига киришни хоҳламаганликлари маълум бўлди.

Мафкуравий ишда, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда ҳам юзакичилик, эски қолипда иш кўриш ҳоллари учрайди.

Хуллас, район партия комитети ҳисобот даврида кўп куч-ғайратни бошланғич партия ташкилотларининг ҳуқуқларя ва мустақиллик даражасини кенгайтиришга йўналтирди. Бунга бошқаришдаги маъмурий буйруқбозлик усулларидан воз кечилгандан сўнг эришилди. Бошланғич партия ташкилотлари мажлисларида кўрилаётган масалаларга масалаларни тиқиштириш, партияга қабул қилинаётганларнинг сони ва сифати тўғрисида буйруқлар бериш тўхтатилди. Район партия комитети бошланғич партия ташкилотларига ўзларининг сайлов органлари таркибини мустақил равишда аниқлаш, қабул қилиш ҳуқуқини берди. Район партия ташкилоти фаолиятида коммунистларни аттестациядан ўтказишни такомиллаштириш алоҳида ўрин тутади. Аттестация ўтказиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилди. Комиссия раислари билан доимий равишда семинарлар ўтказилди. Аттестациянинг бориши район партия комитети бюролари, комиссия йиғилишларида кўриб турилди.

Шундай бўлсада бугунги кунда районда ижтимоий-сиёсий аҳвол барқарорлашгани, сайлов органларининг роли ва масъулияти ошганлигини таъкидлаш керак. Лекин олдинда қилинадиган ишлар салмоғи катта. Район коммунистлари Тошкент шаҳар XXVII партия конференциясига ҳам катта умид боғламоқдалар. Унда қабул қилинадиган қарорлар партиявий ишни кучайтиришга, мавжуд муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашишга ишонятпилар. Улар қозирги мураккаб шароитда «Депсинишга ўрин йўқ, қайта қуришни жадаллаштирамиз!» демоқдалар. Билакс, буни район коммунистларининг вакиллари — делегатларнинг ўзи шаҳар партия конференциясида ҳам айтадилар.

Тўхтамурод ТОШЕВ.

ЯЛОВБАРДОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

⊙ Эртага ўз ишини бошлайдиган Тошкент шаҳар партия конференцияси муносабати билан мўҳбиримиз анжуман делегатларининг КПССнинг жамиятимиздаги бугунги мавқеи ҳақидаги фикрлари билан қизиқди. Қуйида уларнинг жавоблари эълон қилинмоқда.

У. ТУРҒУНБОЕВ,

СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

— Жамоамизнинг мени конференцияга делегат этиб сайлаши ўз навбатида зиммамга катта масъулият юклади. Коммунист сифатида анчадан бери мени бир нарса ўйлантириб келади. У ҳам бўлса партиянинг обрўси ҳақида бўлаётган гап-сўзлардир. Ўйланиб ўйимга етолмайман. Нега ҳамиша яловбардорлик ролини ўйнаб келган партияга бўлган муносабат бугунги кунга келиб ўзгариб қолди. Шу ўринда бир зум ўтмишга назар ташлайлик. Яловбардор коммунистларнинг ибратли йўлларини эслайлик. Улар ўша оғир йилларда ҳам КПССга ҳамиша садоқатда бўлдилар. Одамлар оловли уруш йиллари «Партия учун», дея жангга кирдилар, қонли тўқнашувларда қанчадан қанча кишиларимиз «партия» дея жон фидо қилдилар.

Урушдан кейин партия номи билан қайта тикланиш даври бошланди. Қўриққа юриш қилдик. Чўлларни гулистонга айлантирдик. Хуллас, барча муваффақиятларимизда КПССнинг роли беқиёс бўлди. Хўш, шундай қудратли қўрғон замирига нега сув кетди? Бунинг бирдан бир сабаби сафимизга баъзи нопок шахсларнинг кириб қолишидир. Улар ўзларининг коммунист эканликларини пеш қилиб нопок ишларга қўл уришди. Коммунист сўзидан ниқоб сифатида фойдаланишди. Сафларимизни бундай кимсалардан тозалмасдан туриб, йўқотилган обрўни қайта тиклаш мушкул кўринади. Менимча, бундай юксак номга доғ тушурувчилар ўрнига ўз меҳнат жамоаларида катта обрўга эга бўлган, жиддий сиёсий тажрибани эгаллаган, қайта қуришнинг фаол қатнашчилари бўлган кишиларни кўпроқ партия сафига тортиш керак бўлади.

Корхонамизни чинакам байналмилал оила десам янглишмайман. Бу ерда турли миллат вакиллари меҳнат қилишади. Улар ҳамжиҳатлик билан бир маслак, бир мақсад йўлида ишлашаяпти. Бирлашма коммунистлари ҳар бир ишда ёлларга ибрат.

Н. ФРОЛОВА,

Чилонзор районидаги 16-поликлиниканинг участка шифокори.

— Бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ касб кишисига юқоридаги савол билан мурожаат қилсангиз у биринчи галда пландан гапиради, жамоа ютуғига қўшаётган ўз шахсий улуши тўғрисида сўз юритади. Кўпинча биз тиббий соҳа кишилари эса бундай саволга жавоб беришга қийналамиз. Аслида бизда ҳам қилинадиган ишлар ва муаммолар истаганча топилади.

Бугун конференция баҳонасида дилимдаги баъзи гапларни ўртоқлашмоқчиман. Кўпинча ўзимга-ўзим «Коммунист қандай бўлиши керак?» деган саволни бераман. Шундай пайтда дарҳол кўз ўнгимда «Коммунист» кинофильмидаги бош қаҳрамон образи гавдаланади. Фидойи коммунист деб ана ўшани айтса бўлади. Партияга садоқатли деб шундай киши тушунилади. Агар ҳар биримиз ўшанақа ватанпарвар бўлганимизда эди, партиянинг обрўэътибори қақидаги ҳозирги миш-мишлар ҳам бўлмасди, уларга ўрин ҳам берилмасди.

Врачлик касбим мени кўпроқ оналар ва болалар соғлиғи ҳақида ўйлашга мажбур этади. Тўғри, партия ва ҳукуматимиз болалик аёлларга чинакам ғамхўрлик намуналарини кўрсатмоқда. Бунинг олдин бир мисоли сифатида яқинда матбуотда эълон қилинган «кўп болали оналарга нафақа миқдорини кўпайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармонини келтириш мумкин. Хуллас, ҳали яна талай муҳим масалалар борки, улар ҳақида гапирмаслик мумкин эмас. Пойтахт коммунистлари ўз анжуманларида ана шулар ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирадилар деган умиддаман.

Суҳбатдош М. ОРИПОВ.

⊙ АНЖУМАН ДЕЛЕГАТИ. Синов ишлаб чиқариш автокорхонасининг такси ҳайдовчиси Миразиз Акбаров. Т. Каримов суратн.

Менга сўз беринг

АМАЛИЙ ИШЛАР КЎПРОҚ БЎЛСИН

МЕН бу мақоламда Тошкент ва унинг фуқароси ҳақидаги баъзи фикрларимни баён қилмоқчиман.

Кексалар Тошкентни, дуо олган шаҳар деб, қисқа ва лўнда таърифлаб қўя қолади.

Дарҳақиқат, жумҳуриятимиз пойтахтининг салкам икки ярим минг йиллик тарихини қўздан кечирсангиз қадимий Шошнинг илгариги замонларда ҳам, кейинги асрларда ҳам, ҳозирги даврда ҳам, улуғ карвон йўлида Шарқ ва Ғарбни бирлаштирган, байналмилал алоқалар, савдо-сотиқ, иқтисодий, ижтимоий ва маданий равнақ, фаровонлик шаҳри бўлганлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Бугун, шаҳримизда улкан анжуман йиғилган аснода мен рўзномада эълон қилинаётган ихчамгина мақоламда узоқ тарих ҳикоясига берилиб кетмоқчи эмасман. Тошкентнинг шеърий тарихини унутилмас дўстим Мавлоно Мақсуд Шайхзода «Тошкентнома» достонида бетакрор тасвирлаган. Шаҳримизнинг янги тарихи, асримиз боши ва ўрталаридаги олижаноб ҳиммати рус адиби Неверовнинг «Тошкент — нон шаҳри» ва ўзбек адиби Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романларида ҳаққоний ифодаланган.

Менинг ўтмишга бир дақиқагина мурожаат қилишдан мақсадим шаҳримиз олижаноб фуқаросининг энг яхши анъаналари ҳамон сақланиб келаётганини, бу анъаналарда ўзбек халқининг меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, байналмилал қардошлик, чуқур инсоний меҳр-оқибат, кези келганда эса қатъият, бардош, адолатли қаҳру-ғазаб сингари фазилатлари мужассам бўлганини таъкидлашдан иборат.

Ҳозирги ошкоралик ва демократияга асосланган қайта қуриш даврида муаммолар ҳақида рўй-рост гапириш одат тусига кирди. Муаммолар шу қадар кўп, ечилмаган масалалар шу қадар беҳисобдирки, рўзномалар, ҳафталикларда қалаштириб босилаётган мақолаларни ўқиётган, радио эшитиб, «зангори экран»даги кундалик баҳсларни кўраётган ҳамшаҳарларимиз ҳайратда: демак биз ўн йиллар давомида ҳеч нарсадан бехабар ғафлатда қолиб, фақат ухлаб ётган эканмиз-да?

Гапга уста сўзамоллар, корчалонлар кўпайиб кетди. Баъзан, икки оғиз сўз билан соддагина қилиб ифодаланиши мумкин бўлган фикрлар ҳам бир неча соат, бир неча кун, ҳатто ҳафталаб давом этадиган муҳокама-ю мунозараларга айлантириб юборилади.

Чойхоналарда гурунглашиб ўтирган кексалар:

— Муллалар гапни соғиниб қолишган экан, — деб мийғларида кулиб қўйишади...

Содда оқсоқоллар билишмайдики, муаммолар чиндан ҳам тўпланиб қолган ва чиндан ҳам рўй-рост, дил-дилдан гаплашиб оладиган вақт келди.

Мен бугунги анжуманнинг илгарилари одат тусига кириб қолган, жуда кўп ютуқлар ва баъзи бир жузъий камчиликлар юзаки санаб ўтиладиган анъанавий мажлислардан бири, галдагиси бўлмаслигига, аксинча, шаҳар ҳаёти ҳар жиҳатдан чуқур таҳлил қилинадиган, ҳақиқат тўлалигича ва қатъият билан айтиладиган амалий анжуман бўлишига ишонаман. Анжуманга сайланган вакилларнинг кўпчилиги расмий ходимлар, мансабдорлар бўлмай, қайта қуриш даврининг янгича фикрлашга қодир жонбозлари эканликлари менда шундай ишонч ҳосил қилади.

Бутун халқим каби, мен ҳам жумҳуриятимиз ва пойтахтимизнинг янги раҳбарларига катта умид боғлайман.

Сир эмас: биз, ветеранлар Ўзбекистон ССР Президенти ўртоқ И. А. Каримовнинг биринчи фармони нима ҳақда бўлар экан, деб кутдик. Биринчи фармон кўп болали оналарга нафақани икки баробар ошириш ҳақида бўлди. Жумҳуриятимиздаги ўн минг, юз минглаб хонадонларда элимизнинг онахон, отахонлари бундан жуда мамнун бўлдилар.

Сир эмас: биз, ветеранлар Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясида ҳукуматимизга раис тайинланаётганда номзодлар халққа нималарни ваъда қилар эканлар, деган савол ҳаммани қизиқтирди. Минбарга чиққан Ш. Р. Мирсаидов халқ вакилларига салом бергач, яқин беш йил ичида аввало ҳамма ноҳия, жами қишлоқларга тоза сув билан табиий газ етказиб беришни ваъда қилди. «Мен бу вазифани мени сайлаганлар ҳам, сайламаганлар ҳам бажараман», — деди ўртоқ Мирсаидов.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР Олий Совети биринчи сессиясининг 1990 йил 31 мартдаги қарорига мувофиқ республика ёшларининг ҳарбий хизматга чақирилиши масалалари юзасидан гражданлардан тушаётган хатлар, шикоятлар, аризалар ва мурожаатларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси ўртоқ М. И. Иброҳимов бошчилигидаги ишчи комиссияси тузди.

Комиссия таркибига Ўзбекистон ССР халқ депутатлари А. А. Аъзамхўжаев, П. Қ. Қодиров, В. Н. Маҳмудов, А. Н. Носиров, Э. Ҳ. Халилов ўртоқлар ва Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрининг биринчи ўринбосари ўртоқ Ш. И. Каримов кирдилар.

Комиссия Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг қабулхонасида ҳар куни ишлайди.

Тонгги газеталарда

⊙ «Халқнинг буюк жасорати». Москвада Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 45 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш тўғрисидаги расмий хабар шундай сарлавҳа остида, шу тантаналн йиғилишда М. С. Горбачев докладн «Уруш ва ғалаба сабоқлари» сарлавҳаси остида эълон қилинган.

⊙ «Жасоратнинг сўнмас зиёси». Ғалабанинг 45 йиллиги шарафига Москвада ўтказилган параддан репортаж ва ушбу парадда СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Т. Язов сўзлаган нутқ матни эълон қилинган.

⊙ Франция Президенти Ф. Миттераннинг шу йилнинг 25 майида Москвага ташриф буюриши тўғрисидаги расмий хабар ҳам босилган.

ҒАЛАБА КУНИНИ ЯҚИНЛАШТИРИШ УЧУН ЖАНГ ҚИЛГАНМИЗ

В. И. Ленин номли майдон 9 май куни шаҳар жамоатчилиги вакилларини литаврасининг гумбурлаши билан эмас, қалбларга етиб борадиган мусиқалар билан кутиб олди. Шаҳар жамоатчилиги вакиллари бу ерга, номаълум аскар қабрини зиёрат қилиш, мислсиз оғир жангда фашизм устидан ғалаба қозонган халқнинг сўнмас жасоратини ҳурматлаш учун келишган.

Ўша унутилмас май кунидан буён ўтган 45 йил бу воқеанинг аҳамиятини камайтира олмади. Мамлакат ҳозир шундай ўзгаришлар ва жараёнлар даврида яшамоқдаки, улар ҳар биримизни бутунлай ўзига ром қилиб олмоқда, мана шундай «жўшқин кунлар»да айрим нарсаларнинг унутилиши ажабланарли эмас. Баъзи бировлар совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабаси аҳамиятини камайтириб кўрсатиш, унга қайтадан баҳо бериш учун зўр бериб уринаётган бир пайтда, турмушимизнинг худди ана шу жиҳатидан фойдаланишга уринмоқдалар. Лекин бундай уринишлар беҳуда! Ахир ўша даҳшатли уруш ҳеч қачон унутилмаслиги керак, чунки бу уруш кексаси ёки авлод учун жуда қимматга тушган.

Ўша йилларда Ўзбекистон халқлари ҳам ягона сафга турдилар, фронтларда ва мамлакат ичкарисида ғалаба дақиқаларини яқинлаштирдилар, гитлерчи ғалаларни тор-мор келтиришга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Эслаб кўрайлик: душман вақтинча босиб олган территориялардан республикага ўнлаб ва юзлаб саноат корхоналари кўчириб келтирилди, улар Ўзбекистон меҳнатчиларининг ёрдамида саноқли кунларда ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Эсга олайлик: ўн минглаб ва юз минглаб қочоқлар бу ердан бошпана топдилар. Эсга олайлик: юз минглаб ўзбекистонликлар фашистларга қарши жангларда бевосита иштирок этдилар, улардан 120 минг нафардан кўпроғи орден ва медаллар билан мукофотланди.

Одамлар Ўзбекистон пойтахтидаги парадлар ҳиёбонига Номаълум аскар қабри олдидаги мангу олов томон бораётганларида яна кўп нарсалар ёдга тушади. Мангу олов ёнига Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва республика Министрлар Советидан, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи ҳарбий кенгашидан, партия, уруш ва меҳнат ветеранларидан гулчамбарлар қўйилади. Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети, Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети, касаба уюшмалари Ўзбекистон республика кенгаши номидан, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети номидан гулчамбарлар қўйилади...

Ана шундай дақиқаларда одамларнинг жипслиги, бирлиги нақадар қудратли куч эканлигини айниқса яққол ҳис этасан. Бундай жипслик бўлмаганда эди уруш йилларида босқинчилар ҳужумини қайтара олмаган бўлардик. Бундан бир неча кун олдин Совет Иттифоқи Қаҳрамони Б. Эргашев Туркистон ҳарбий округи ҳарбий кенгашида ўтказилган қабулда сўзга чиқиб, фронтда жанговар ўртоқларнинг миллатини ҳеч ким ва ҳеч қачон суриштирмаганини гапирди. Ўшанда жангда ўзингни мард тутасанми ёки йўқми, ярадор дўстингни суяйсанми ёки уни ташлаб кетасанми — ана шу асосий мезон эди. Ҳамма учун муштарак озодлик йўлида биргаликда жанг қилишди. Байналмилаллик бутун совет халқини бирлаштирган негиз эди. Совет халқи шу негизда бирлашди ва ғалаба қозонди.

...Майдон узра ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Давлат мадҳиялари янграйди. Тантанали маросим туркистончи жангчилар фахрий қоровулининг ҳарбий оркестр садолари остида саф тортиб ўтиши билан ниҳоясига етади.

Шу куни Волгоград кўчасидаги уруш йилларида Тошкент госпиталларида ҳалок бўлган яралорлар дафн этилган меъморнал ҳарбий қабристон тошкентликлар учун яна бир зиёратгоҳ бўлди. Бу ерда ҳам қабрлар устига, мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар ва гулчамбарлар қўйилди, уларни миннатдор шаҳарликлар келтиришган эди.

Шу куни катталар ва болалар, одамлар оилалари билан генерал Собир Раҳимов ҳайкали томон, Коммунарлар ҳиёбонидаги қардошлик қабристони томон, ҳамма учун қадрли бошқа хотира жойлари томон боришарди.

Ҳамма жойда одамлар озодлигимиз ва мустақиллигимизни ҳимоя қилиш, бугунги кунимизни сақлаб қолиш учун жон фидо қилган кишиларнинг порлоқ хотираси олдида бош эгиб, сукут сақлашар эди.

Кечқурун совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабаси шарафига тўплардан 30 марта ўқ узилиб, байрамга якун ясалди.

Гулчамбарлар қўйиш маросимида Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов қатнашдилар.

Байрам тантаналарида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва Бюро аъзолигига кандидатлар, республика Олий Совети, ҳукумати аъзолари, СССР ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ҳам иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

⊙ Тошкент отчопаридаги байрам шодиёналаридан лавҳалар.

А. Учаев суратлари.

Сўз—делегатларга

ТАЛАБЧАНЛИК ВА ИНТИЗОМ

Эртага Тошкент шаҳар партия конференцияси ўз ишини бошлайди. Корхона ва ташкилот ишчи-хизматчилари ушбу анжуманни муносиб кутиб олиш тараддудидалар. Мухбиримиз икки корхонадан сайланган конференция делегатлари билан суҳбатлашди.

Г. ЁҚУБОВА,
«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

— Бўлажак коммунистлар анжуманидан умидимиз катта. Ўйлаймизки, унинг қатнашчилари шаҳар меҳнат аҳли ишидаги ютуқ ва камчиликларни, унинг олдида кўндаланг турган муаммоларни рўй-рост очиб ташлашади.

Ҳозир қаёққа, қайси соҳага қараманг, турғунлик йилларининг иллатлари кўзга ташланади. Ҳали-бери улардан қутулишимиз мушкул кўринади. Биргалашиб мулоҳаза билан бақамти иш юритсаккина бу иллатлардан аста-секин қутулишимиз мумкин. Озиқ-овқат дастури, уй-жой танқислиги, ишимиздаги сифатсизликлар ва шу каби қатор муаммолар борки, уларни бирданига ҳал этиб бўлмайди, албатта. Бунинг учун биринчи навбатда талабчанлик ва интизомни ошириш керак. Сўнгги йилларда баъзи бир кишилар оғзидан етишмовчиликлар ҳақидаги узуқ-юлуқ гапларни эшитиб қолаяпмиз. Бу бежиз эмас, албатта. Тўғри, кўп нарса аввало оилавий маблағдан оқилона фойдаланишимизга боғлиқ. Лекин бозор нархларининг тобора ортиб бораётганлиги кишилар ҳамёнини қоқламоқда.

Яқинда «Октябрь» бозорига кундалик маҳсулотларни харид қилишга бориб қолдим. Расталар олдингидагидек гавжум эмас. Очиғи, сотиладиган маҳсулотдан харид қилувчи кўп. Олманинг баҳоси 8 сўм, узум 15 сўм, қулупнай 14 сўм, нок 12 сўм. Бундай рақамларни истаганча келтириш мумкин. Е тавба, бу қандай ҳол ўзи? Юқоридаги нархларда қайси ишчи ўзига зарур маҳсулотни харид қила олади.

Энди уй-жой масаласини олайлик. 2000 йилгача ҳар бир оилани уй-жой билан таъминлаймиз деб бонг урдик. Лекин кўп қаватли уйлар қурилиши кўлами паст даражада олиб борилаяпти. Агар меҳнаткашларга томорқа участкаси ажратиб бериш тадбири амалга ошмаганида, билмадик ҳолимиз не кечарди.

Атроф-муҳит муҳофазаси ҳақида ҳам шу тахлит гапларни айтиш мумкин. Қаранг, ҳар йили бу тўғрида қатор тадбирлар ишлаб чиқилади. Об-ҳавони, оқар сувларни ифлослантирмаслик тўғрисида қарорлар қабул қилинади. Лекин аҳвол ўша-ўша.

Балки баъзилар бу муаммолар қайта-қайта такрорланавериб сийқаси чиққан деб ўйлашар. Бироқ улар ниҳоясига етмаётган экан бу мавзуда такрор ва такрор бонг урмоқ фойдадан ҳоли бўлмайди. Ахир шаҳримиз ҳақида мен қайғурмасам, биз қайғурмасак, ким қайғуради. Бу дилимга тугиб юрган муаммоларнинг бир қисми холос. Агар мен конференция минбаридан сўз айтадиган бўлсам шулар ва ўзим ишлаётган корхона кишиларининг ютуқ ва камчиликлари ҳақида гапирардим.

Г. ЮСУФЖОНОВА,
«Шарқ гули» бадиий буюмлар фабрикаси ишчиси.

— Корхонамиз меҳнат аҳли ҳамшаҳарларимиз истиқомат қиладиган шинам уйларни янада безаш фикри-зикри билан банд. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган турли-туман бадиий буюмлар хоналарга файз киритиб турибди. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, шаҳарда фабрикамиз маҳсулоти кириб бормаган хонадон топилмаса керак. Байналмилал жамоамиз сўнгги йилларда сифат масаласига ҳам алоҳида эътибор берадиган бўлиб қолишган. Уларнинг қадоқ қўли, нозик диди билан бунёд этилаётган буюмлар ҳамиша сифатлилиги билан ажралиб туради.

Бугун кўпроқ мени тўлқинлантирган баъзи муаммолар ҳақида гапирмоқчиман. Биласиз, жумҳуриятимиз ҳаётида катта воқеа бўлган ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида бир қатор долзарб масалалар сингари жиноятчилик хусусида ҳам талай гаплар айтилди. Яқинда бир кундалик матбуотда кичик статистик маълумотни ўқиб қолдим. Унда жиноятчилик баъзи турлари бўйича ўтган йилга нисбатан камайганлиги ҳақида хабар қилинган бўлсада, лекин бу рақам ҳали ҳеч кимни қаноатлантирмайди. Ахир қачонгача меҳнаткаш халқ шаҳар транспортида ҳамёнидан хавотирланиб юради? Қизиғи, шу ердаги ушбу воқеа-ҳодисаларни кузата туриб ҳам ўша қўли эгри кишини огоҳлантиришга юрагимиз бетламайди. У ўзимизга ҳужум қилиб қолишидан ҳайиқамиз. Наҳотки бир автобус одам битта безорини жиловлай олмаса? «Сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилида иш юритишимиз билмаган ҳолда жиноятчиликка кенг йўл очиб беряпти.

Энди партия ташкилотларининг иши ҳақида. Менимча уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш жоиздир. Партия қуйи бўғинларининг обрў ва масъулиятини ошириш лозим. Ахир қачонгача қуйи ташкилотлар юқорининг кўрсатмаси билан иш юритишади? Қолаверса, партия обрўйининг пасайишига ҳам қисман мана шу иллат сабаб бўлаяпти-ку. Жойларда КПСС аъзоларининг партиядан чиқиши катта ташвиш уйготмоқда. Бу масалани ҳал этишни бошланғич партия ташкилотларига бериш керак.

Хуллас, муаммолар етарли. Уларни оқиллик билан бартараф этмоқ керак.

ФИКРИМИЗНИ КОНФЕРЕНЦИЯГА ЕТКАЗИНГ. СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси коммунистлари 18-цех партия ташкилотининг секретари И. Шаймардоновни XXVII шаҳар партия конференциясига делегат қилиб сайлаганлар. Унинг ҳамкасблари (чапдан ўнгга) Н. Герасимов, В. Чеворгин, А. Эргашев, Л. Турашева ва Г. Соловьёвлар делегатга анжуман қатнашчиларига етказиш керак бўлган фикрларини билдирмоқдалар.

АМАЛИЙ ИШЛАР КЎПРОҚ БЎЛСИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Халқ ишонди.

Халқ ишончига сазовор бўлиш — олий фазилат.

Жумҳуриятимиз тарихида Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсупов каби халқ дарғалари ўтганлар. Канал қазилганда кетмон чопган, иморат қурилганда биринчи ғиштни қўйиб берган, ишчидан пахтакоргача, мухбирдан санъаткоргача — ҳамма-ҳаммани бирма-бир биладиган, танийдиган, эл-юрти билан қадрдонлашиб кетган азиз инсонлар раҳбар бўлган йилларда на озиқ-овқат муаммоси, на кийим-кечак танқислиги, на қимматчилигу қаҳатчилик хавфи мавжуд эди.

Албатта, кейинги 30—40 йил давомида шаҳар бир неча марта кенгайди, аҳолиси ҳам ўн баробардан ортиқ кўпайди.

Лекин, шаҳар иқтисодиётида таажжуб бир номутаносибликка йўл қўйилди. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда халқ эҳтиёжлари ҳисобга олинмади, аксинча юзлаб корхоналар фақат марказ буюртмаларини бажариш билан банд бўлди. Улкан заводлар кеча-кундуз тинимсиз ишлаб турсаю, уларнинг маҳсулотидан халқ манфаатдор бўлмаса, — бундай режалаштиришнинг оқибати қандай аянчли аҳволни келтириб чиқарганлигини биз эндиликда яққол кўриб турибмиз: катта ғалабалар, аллақандай миллиардлар ҳақида гап боради-ю, аслида магазинлар бўш, бозорлар қашшоқ, рўзғорларда танқислик, нарх-наво ҳам ҳамин қадар!..

Эндигина қайта қуришнинг бешинчи йилига келиб, оғир саноат корхоналарига халқ учун зарур истеъмол моллари ишлаб чиқариш юзасидан дастлабки топшириқлар берилгач, давлат савдоси ҳам, бозор ҳам бир оз жонланди. Бироқ ҳозирги ҳолат халқ талабига мутлақо жавоб бермайди — бу соҳадаги саъй-ҳаракатимизни ўн баробар, йигирма баробар кўпайтиришимиз керакдирки, пойтахт партия ташкилоти жиддий дастуруламал ишлаб чиқиши зарур. Бу ҳужжатда саноатни қайта ташкил этиш жараёнида аҳолини иш билан таъминлаш кўзда тутилиши шарт, сабабки бу муаммо ҳал этилмас экан, бошқа муаммолар ҳам ечилмай қолиб кетаверади.

Ҳозирги авлод масъул ходимлари, айниқса коммунистлар зиммасига қайта қуриш даврининг бутун масъулияти юклатилган. Вазифаларнинг бажарилиши, муаммоларнинг ечилиши сўз билан ишнинг бирлигига боғлиқ. Илгарилари бир масъул одам ваъда берса-ю, ваъдасини бажармаса, уни «ваъдабоз», ёки «қуруқ» деб қўя қолинарди. Ў даврлар ўтиб кетди. Энди ошкоралик. Ваъда бериб, ваъдасини бажармайдиган раҳбарни халқ ёқасидан ушлаб, яхшигина силкитиб қўяди. Ёлғон ва товламачиликка, найранг ва фирибга ўрин йўқ. Андижондаги тартибсизликларга алдов сабаб бўлди. Футбол ишқибозларини — ўн минг одамни «Пахтакор» келади, деб алдадилар. Халқ ёлғонни, алдовни кечирмади. Афсуски, безорилар бу алдовдан ўз манфаатлари йўлида фойдаландилар...

Элни алдаш мумкин эмас. Бироқ, ярим ҳақиқат ёлғондир, ярим ошкораликнинг сирдан, ҳуфияликдан фарқи йўқ. Тошкент коммунистларининг конференцияси тўла ҳақиқатга асосланиб, тўла ошкоралик муҳитида ўтсагина яхши натижа беради.

Мамлакатни иқтисодий бўҳрондан чиқариш, халқнинг моддий аҳволини яхшилаш учун ССР Президенти М. С. Горбачев бошчилигидаги олий ҳокимият идоралари жадал суръатлар билан бозор иқтисодига ўтиш чораларини кўраётган шу кунларда, биз «ўт кетса ҳўл-қуруқ баробар ёниши»ни, халқимизнинг оз маош оладиган, ёки мутлақ маош олмаётган ночор табақалари аҳволини бир нафас ҳам кўздан қочирмаслигимиз зарур.

Бутун халқ, шаҳар фуқаросининг ҳаммаси билим олсин, иш билан таъминлансин, бошпанага эга бўлсин, иқтисодий жиҳатдан ўзаро тенглаша борсин, ўз тақдири, ўз юрти, ўз шаҳри ва ўз ҳаётидан мамнун бўлсин.

Биз ана шуни ижтимоий адолат деймиз.

Тошкент тарихда ҳамиша улуғ Шарқдаги савдо марказларидан бири бўлиб келган. Ҳозир амалга оширила бошланган бозор иқтисодининг муваффақиятини таъминлашга қодир шаҳар — бизнинг Тошкентимиз. Чорсу бозорининг обдон кенгайтирилиб, қайта қурилиши, унинг марказида қад кўтарган гумбаз — коппон, ўнлаб янги савдо расталари, бинобарин метронинг бу ерга етиб келганлиги, худди олдиндан режалаштириб қўйилгандай, айни муддао бўлди.

Партия анжумани йиғиладиган кун иқтисод, бозор ҳақида ҳадеб ёзавериш ўринлимикан, дегувчилар ҳам бўлиши мумкин. Ҳа, биродарлар, бундай қилиш жуда ўринли. Токи, халқ турмуши яхшиланмас экан, сиёсатга доир ҳеч қандай ваъзу насиҳат унинг қулоғига кирмайди. «Аввал таом, баъдаз калом», — дейди халқимиз.

Тошкентнинг ҳам мамлакатдаги, ҳам халқаро минтақаларидаги обрўси шубҳасиз. Ўзбек тарихи, маданияти, шеърияти, санъати жаҳонга машҳур. Халқимизнинг бошқа миллат ва халқларга ҳурмату муҳаббатига заррача гумон йўқ. Тошкент жаҳонда байналмилал дўстлик машъалидир. Бу олий қадриятлар муқаддасдир. Аммо, шу қадар олий мақомга сазовор жумҳурият ва унинг пойтахти иқтисодий жиҳатдан ночор, халқи юпун ва қашшоқ бўлса, унинг шон-шарафи нечоғлик бўлади-ю, машъаллиги қаёқда қолади?

Серфайз Қурама тоғларининг этагига, саховатли Чирчиқ водийсига жойлашган, бир томони Қозоғистон яйловларига ва яна бир томони Тожикистон боғларига туташган Тошкентимизнинг ҳозирги ҳаёти ҳам, истиқболи ҳам ўзимизга боғлиқ.

Ҳар бир шаҳарлик, қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар, ўзини ўз шаҳрининг эгаси ҳисоблаши зарур. «Мен Тошкент фуқаросиман, мезбонман, меҳмон эмасман» — шу фикр ҳар бир тошкентликнинг дилига тугилган. Кўчада кета туриб, оёқ остидаги нон ушоғини олиб кўзига суртмаган киши ўзини бу шаҳарнинг фуқаросиман, деб айтишга ҳақли эмас. Йўлкада бир ёш бола ёки кексага озор бераётган безорини кўрганда ўзини четга олиб қочган одам: «мен тошкентликман» деса, бекор айтибди. Тошкентлик бўлиш учун Тошкентда яшашнинг ўзи кифоя эмас, Тошкентни севиш ва бу севгини ишда, турмушда, интизомда, одобда исбот этиш керак.

Ҳозир Тошкентда қимматчилик. Яқин ўн йиллар давомида ҳеч қачон бозорда олма ўн сўм, майиз ўн беш сўм, писта-бодом йигирма сўм бўлган эмас. Ҳинд чойи, шакар, ҳатто кир совун анқога шафеъ. Яхши ҳам давлат магазинларида нон билан баъзи озиқ-овқат маҳсулотлари-ю, енгил ва маҳаллий саноат корхоналарининг сифатсиз бўлса ҳам моллари топилади.

Сабр таги — мурод, дейдилар. Халқимиз сабр-бардошли, чидайди. Лекин, иқтисодий тараққиёт жадаллаштирилмаса, саноат халқ истеъмоли молларини кўплаб ишлаб чиқаришга бурилмаса, Ер, мулк ва кооперативлар ҳақидаги қонунлар кенг кўламда тезроқ кучга кирмаса халқ турмушини кескин яхшилашда туб ўзгаришлар содир бўлиши амри маҳол.

Жумҳуриятимизга ҳар жиҳатдан ибрат бўлиб келган Тошкент қайта қуриш даврининг буюк режаларини жадал амалга оширишда ҳам карвонбоши бўлишидан умидвормиз.

«Гап кўп, кўмир оз» бўлмасин-у, баҳсу мунозаралар қисқароқ, қарорлар лўнда, мазмунлироқ, амалий ишлар кўпроқ бўлсин!

Ҳамид ҒУЛОМ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, СССР Давлат мукофоти совриндори.

Иқтисодий ислоҳот: тажриба, муаммо, ечимлар

ИЖАРА САМАРАСИ

ЎТГАН шаҳар партия конференциясида шаҳар транспорти муаммоларига жиддий эътибор қаратилган, йўловчилар ва юк ташиш транспортини ривожлантириш учун нималар қилиш зарурлиги аниқ белгилаб берилган эди. Шундан буён кўп ишлар қилинганини кўриб турибмиз. Лоақал, хўжалик юритишнинг янги шажара пудрати кўпгина жойларда ўзини оқлаганини айтиш мумкин. Моддий-техника базасини яхшилашга ҳаракат қилинмоқда.

Бизнинг 3-автокомбинатимиз Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг йирик корхоналаридан бири ҳисобланади. Ихтиёримизда 1550 та турли автомобиллар бор.

Бизда 2500 ходим меҳнат қилади. Асосий жамғарма 12 миллион сўмни ташкил этади. Иш ҳажмини шундан ҳам билиш мумкинки, биз юздан зиёд корхона ва ташкилотлар билан транспорт хизмати кўрсатиш бўйича шартнома тузганмиз. Улар орасида республика савдо министрлиги, деҳқончилик саноати, дон маҳсулотлари корхоналари бор. Ҳар йили 3,5 миллион тоннадан зиёд халқ хўжалиги юкларини ташиб беряпмиз. Яппи даромад 21 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Бугунги корхонамизни фан тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ишлаб чиқариш майдонлари, гаражлар, юк кўтариш, транспорт жиҳозлари, оғир иш жараёнларини механизациялаш борасида кўпгина янгиликлар жорий этилган. Технология, диагностика автомобилларнинг юксак техникавий савиясини таъминлашда ва шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажаришда қўл келмоқда. Ҳа, янгиликларга чанқоқмиз. Буни автокомбинатда 700 га яқин автомобиллар газ билан ишлашга ўтказилганлиги ҳам кўрсатиб турибди. Бензин тақчил пайтда бу ишларни бир маромда олиб боришга асқотяпти. Шунинг натижасида ўтган йили биз ўз олдимизга қўйилган вазифаларни муваффақиятли адо этдик. Шартнома мажбуриятлари ҳам, меҳнат унумдорлиги, фойда олиш, автомашиналардан фойдаланиш топшириқларини ошириб адо этилди. Даромаднинг ҳар бир сўми ҳисобига харажатлар 2 сўм 83 тийинга камайтирилди. 363 минг сўм маблағни тежаб қолдик. Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳам ошиб боряпти. Режадаги 30 минг сўмлик ўрнига 85 минг сўмлик миқдорида аҳолига пулли хизмат кўрсатдик.

Бу ютуқларимизнинг ўзига хос битта муҳим омили бор. У ҳам бўлса автокомбинатимиз жамоаси 1989 йилнинг 1 июлидан бошлаб хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашнинг иккинчи усулига ўтиб ишлай бошлади. Мана, шундан буён ўтган давр ичида хўжалик-молиявий фаолиятимизга бир назар ташлайлик. Иқтисодий рағбатлантириш жамғармасига 1 миллион 22 минг сўм ўтказилди. Шу жумладан моддий рағбатлантириш жамғармасига 590 минг сўм, ижтимоий ривожлантириш жамғармасига 297 минг сўм ажратилди.

Автомобиллардан фойдаланиш самарадорлиги тобора ошиб боряпти. Энг асосий эътиборни меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига кўпроқ даромад олишга қаратяпмиз. Хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашнинг иккинчи усули учун бу жуда зарурдир. Яна бир муҳим омил борки, унга эътибор бермасдан бу усулда тузукроқ натижани қўлга киритиш мумкин эмас. Бу — сарф-харажатларни муттасил камайтириб боришдир. Айнан ана шу икки нарсага муҳим эътибор бераётганимиз учун автокомбинат ходимларининг турмуш шароитлари муттасил яхшиланиб боряпти. Қолаверса, уларга қулай меҳнат ва дам олиш шароитлари муҳайё этилган.

Яна шу нарсани таъкидлаб ўтмоқчиманки, автокомбинатимизда электрон-ҳисоблаш машинаси ва шахсий компьютерларни қўллашга кенг йўл очиб бердик. Транспортни бошқариш ва иш жараёнларини режалаштириш, ҳисобга олиш ва таҳлил этиш ишлари ана шу «ақлли» машиналар зиммасига юклатилган. Бу — ишлаб чиқаришга олиб кирилган янгилик. Ходимларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилашга доир тадбирлар ҳам изчил амалга оширилмоқда. Масалан, ошхона, чойхона, дам олиш хоналари, замонавий ҳаммомлар таъмирланди, озиқ-овқат, сабзавот, саноат маҳсулотлари магазинлари қурилди. Эндиликда «Саломатлик» комплексини бунёд этамиз. Шунингдек, спорт комплекси билан биргаликда сузиш ҳавзаси ҳам қурилади. Айни пайтда дам олиш майдонлари барпо этилади.

Бу йилдан бошлаб корхона маъмурияти, касаба уюшмаси комитети меҳнат жамоалари кенгаши билан биргаликда кам тоннали автомобиль ҳайдовчиларининг меҳнат отпускаларини узайтиришга, иккинчи сменада ишлаётганларнинг тушлик таомлари қийматини арзонлаштиришга, ҳайдовчиларнинг иш ҳақларини оширишга қўшимча 400 минг сўм ажратишга қарор қилди.

Бизнинг асосий вазифамиз Тошкент аҳолисига нон, сут, гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, саноат моллари, кўплаб бошқа маҳсулотлар етказиб беришдир. Биз республикада биринчилар қаторида хўжалик юритишнинг янги усулига ўтдик. Дадиллик, иқтисодий тажрибани изчил амалга ошириш ўз самараларини бермоқда. Бугунги кунда тажрибаларимизни республикамизнинг Самарқанд ва бошқа жойлардаги корхоналари ўрганяпти. Бунда юзлаб моҳир ҳайдовчиларимизнинг, ходимларимизнинг катта ҳиссалари бор.

Ж. ҲОЖИБЕКОВ,
3-автокомбинат директори.

ИШ БИЛАН БАНДЛИК

ОКТЯБРЬ районидаги «Наврўз» маҳалласида 1-пойабзал бирлашмасига қарашли ўқув ишлаб чиқариш комбинати филиалининг биринчи навбати ишга тушди. Натижада 40 га яқин кўп болали оналар ва уй бекалари иш билан таъминланди. Июнь ойида комбинатнинг иккинчи навбатини ишга тушириш мўлжалланган. Бу эса шу маҳалладаги юқори синф ўқувчиларини ёзги дам олишларида ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради.

Д. ЗОКИРОВА.

НОЁБ БУЮК

ТОШКЕНТ автомобиль ва йўллар институтининг Ш. Абдуллаев бошчилигидаги кимёгарлари маъданлар емирилишига қарши ишлатиладиган бўёқ ишлаб чиқаришди. Бу ноёб бўёқнинг халқ хўжалигида фойдаланилиши йилига 1,5 миллион сўмдан ортиқ фойда келтиради.

Д. БОБОМУРОДОВ.

ЧИДАМЛИ ҚУВУР

ШУ институт умумий кимё кафедрасининг илмий текшириш лабораторияси ходимлари чиқиндилардан фойдаланиб, турли хил қувурлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Бошқа қувурлардан фарқли томони шундаки, бу қувурлар ишқорий ва кислотали муҳитга чидамли бўлади. Яна бир ажойиб хусусияти, улар ўзига мутлақо сув юқтирмайди.

Д. БАРДАМБЕКОВ.

ЯНГИЛИК ЧИНИҚИШ. Тошкент булка-кондитер комбинати партия ташкилоти коммунистларининг сиёсий ва иқтисодий билимларини оширишга катта эътибор бермоқда. Бу ердаги сиёсий маориф хонаси мактаб ва семинарларда шуғулланувчи коммунистлар билан доимо гавжум бўлади.

Р. Шарипов суратлари.

Ўйлантирадиган рақамлар

Аввалларн биз конференция арафасида қилинган ишлар салмоғидан далолат бериши керак бўлган рақамларни санашни афзал кўрардик. Лекин улар сояснидаги етилган муаммолардан «нола» қилаётган ноҳуш рақамларни кўрмасликка ҳаракат қилардик. Бугун бу анъанадан воз кечмоқчимиз.

ЎН ИККИНЧИ беш йиллик бошидан бери шаҳарда 3,1 миллиард сўмлик асосий фондлар, 3,9 миллион квадрат метр уй-жой, 49 минг ўринли мактаблар, 19,3 минг ўринли боғча ва яслилар, 2000 ўринли касалхоналар, 7100 бемор қабул қиладиган поликлиникалар фойдаланишга топширилди.

ТОШКЕНТ аҳолисининг сони бўйича мамлакатдаги шаҳарлар орасида тўртинчи ўринда туради. Айни вақтда у Совет Иттифоқи, энг йирик 30 шаҳри ичида касалхоналар билан таъминлаш бўйича 13, ҳар минг кишига қурилаётган квартиралар бўйича атиги 24, савдо майдонлари билан таъминланиш бўйича сўнгги — 30-ўринни эгаллайди.

ШАҲАРДАГИ 45 корхона 1990 йилнинг биринчи кварталида кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайтирди, 74 корхона бундай моллар ишлаб чиқаришни 24 миллион сўмликка камайтирди.

ЗАҲАРЛИ чиқитлар манбаи бўлган 116 корхона ҳали ҳам Тошкент ҳавоси ва сувини булғатиб ётибди.

ПОЙТАХТДАГИ 33 корхона ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатган. Улардан 28 таси ўтган йили 40 миллион сўмликка яқин маҳсулот экспорт қилди.

ТОШКЕНТДАГИ 32 та маданият уйидан фақат саккизтаси типовой бинода жойлашган, 104 кутубхонанинг ҳар олтитасидан биттаси таъмирлашни талаб этади.

КЕЙИНГИ икки йил ичида 43,5 минг коммунист аттестация қилинди. Унинг якунига кўра 413 киши КПСС аъзолигидан ўчирилди.

1989 ЙИЛ октябридан партияга қабул қилиш ҳуқуқи берилган бошланғич ташкилотларда тажриба ўтказилмоқда. Шу даврда 855 киши КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 299 нафар кўпдир.

ҲИСОБОТ даврида 476 коммунист ўз ихтиёри бўйича партия билетини топширди.

Анжуман минбарига

ФАН ЭЪТИБОРГА МУҲТОЖ

XXVII шаҳар партия конференциясида шаҳарнинг қишлоққа оталиғини кучайтириш ҳақида сўз юритилиши шубҳасиз. Бу борада маълум ишлар амалга оширилди. Деҳқончилигимизга безарар дорилар кашф этиш йўлида қизғин ишлар олиб бориляпти. Шу билан бирга муаммолар, қийинчиликлар ҳам йўқ эмас. Улар нималардан иборат? Пахтачиликка қандай дорилар ишлатилса инсон саломатлигига, табиат мусаффолигига зарар етмайди? Шу саволларга жавоб олиш мақсадида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳайъатининг аъзоси, жумҳурият Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. И. Глушенкова билан суҳбатлашдик.

— Жумҳурият Фанлар академияси қошида илмий-текшириш институтлари фаолият кўрсатяпти, — деди Анна Ивановна. — Ундан ташқари, Ўзбекистондаги қатор олий ўқув юртлари кимё кафедраларида илмий изланишлар олиб бориляпти. Улар илмий-текшириш институтлари билан яқиндан алоқада. Масалан, Тошкент дорилфунуни органик кимё кафедраси ўсимликлар кимёси институти билан, политехника институтидаги кимё-полимерлар кафедраси эса полимерлар институти билан узвий боғланган. Бу истеъдодли, илмга чанқоқ ёшларни танлаб олишимизда катта ёрдам беради.

— Дарвоқе, кадрлар масаласи хусусида. Яқинда жумҳуриятимиз раҳбарияти қобилиятли ёшларни мамлакатимизнинг марказий шаҳарларига юбориш, таълим олишлари учун етарли шарт-шароит яратиб бериш ҳақида қарор қабул қилди. Энди вазифа фақат муносибларни танлаб олишда. Бу борада нималар қилиняпти?

— Вақтида чиққан қарор бу. Лекин тўғрисини айтиш керак, илм билан шуғулланишга қизиқадиган ёшлар ҳозир жуда кам. Кўплар ўқишни тугатишяптию, ўзларини ишлаб чиқаришга ё кооперативларга уришяпти. Мақсад тузукроқ пул топиш. Мана шу моддий томонни ҳам жиддий ўйлаш даркор.

Асосий вазифамиз илмга ташна ёшларни марказий шаҳарларга ва чет эллларга кўплаб юбориш. Бунинг учун аввало тил билиш, институт ва кафедралар ўртасидаги алоқаларни янада кучайтириш зарур. Ана ўшанда ким нимага қодирлиги яққол кўзга ташланади, муносибларини танлаш осонлашади.

— Анна Ивановна, биласиз, илгари ишлаб чиқарилган баъзи дорилар (қишлоқ хўжалигида ишлатиладиганлари) инсон учун, табиат учун зарарли бўлиб чиқди. Уларни ишлатиш тақиқланди...

— Саволингизни тушундим. Ҳозир биз олимлар олдига қўйилган энг асосий масала шундай дори яратилсинки, табиатга, инсонга асло зарари тегмасин. Ҳозир ўсимликлар кимёси институти қошида тармоқлараро илмий техникавий марказ (ТИТМ) ташкил этилган. Унда Иттифоқимиздаги 25 ташкилот ва илмий муассасалар бирлашган бўлиб, фаол иш олиб боришяпти. Айни кунларда композицион дефолиантлар устида изланяпмиз. Мақсад, у атроф-муҳитга безарар бўлиши билан бирга, ғўза баргини қуйдириб юбормай тўксин. Шунда хом ашё сифати янада яхшиланади.

Ўзбекистон далаларига, шунингдек, Германия Федератив Республикасининг «Шеринг» фирмаси тайёрлаган «Дроб» дорися ҳам сепилади. Жуда яхши дори. Бироқ, у Африка томонларга мўлжалланган. Сабаби, уни сепиш чоғида ҳарорат 22 даражадан паст бўлмаслиги даркор. Агар паст бўлса, дефолиант яхши таъсир этмайди. Унинг устига қимматга тушяпти. Шунинг учун ҳам бундай дефолиантларни ўзимизда ишлаб чиқишимиз лозим.

— Ўша дефолиант устида ишлаш чоғида бошқа соҳа мутахассислари ҳам жалб этиладими? Масалан биологлар, қишлоқ хўжалик ходимлари, шифокорлар...

— Шунинг учун ҳам биргаликда иш олиб боришимиз зарур, деб таъкидлаяпман. Айтайлик, кимёгар ўша дорини яратади, биолог ва токсикологлар зараркарлигини ёки йўқлигини аниқлашади. Пахтакорлар ҳам ҳар томонлама текшириб мулоҳазаларини айтишади. Айниқса, олимлар ўз ишларига танқидий кўз билан, масъулият билан ёндошишлари шарт. Фойдаланувчи ҳали фойдаси тегадими, йўқми, жиддий кузатиб, кейин хулоса чиқарсин.

— Агросаноат давлат хўжалик кооперативи билан алоқаларингиз яхшими?

— Уларнинг ёрдами жуда керак. Бизда замонавий физик жиҳозлар, электрон микроскоплар йўқ. Ҳеч бўлмаганда биттадан олганимизда эди, талай ишларни тезлаштириб юбориш имкони туғиларди.

Кейин бизда бирор янгилик кашф этилса, уни синаб кўриш учун маблағ керак бўлади. Институтларда эса ҳар бир тийин ҳисобли. Тўғри, ортиқча пул ҳеч кимда йўқ. Фақат биргаликда ишласак имкони топилади ва бирон натижага эришиш осон кўчади демоқчиман. Қолаверса, турли соҳа мутахассислари фикри бир жойда умумлашади.

Албатта, институтлар ҳам қараб тургани йўқ. Кимёвий-физик полимерлар институти Швейцариянинг «Сандоз» фирмаси билан музокаралар олиб боряпти. Ўсимликлар химияси институти олимлари эса вьетнамлик мутахассислар билан ҳамкорлик қилишяпти.

— Эртага шаҳар партия конференцияси ўз ишини бошлайди. Партия мавқеини мустаҳкамлаш, келгуси вазифалар билан бирга, шаҳримиз аҳолисига қулайликлар яратиш масалалари ҳам кўтарилади. Агар сизга сўз беришса шу хусусда нималарни гапирган бўлардингиз?

— Тошкент — илм маркази. Жумҳуриятимизнинг энг йирик илмий муассасалари шу ерда жойлашган. Биринчидан, фанга эътиборни кучайтириш, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш зарурлигини гапирган бўлардим. Негаки кимё институтлари бир-биридан йироқда жойлашган. Унинг устига олимларимизнинг ҳаммаси ҳам етарли шарт-шароит билан таъминланмаган. Қисқаси бу муаммо шаҳарга тегишли, буниси қишлоққа деб ўтирмай биргаликда бартараф этайлик. Шунда ишимизда унум бўлади.

Суҳбатдош
Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

⊙ **ОЛДИНДА БОРИШ ҲУҚУҚИ.** Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари КПСС аъзоси Жалолиддин Маҳсимов коммунистнинг имтиёзи фақат шунда деб билади. Шунинг учун у доимо меҳнат беллашувининг фолиблари қаторидан ўрин олади.

Р. Шарипов сурати.

Аччиқ, аммо очиқ гап

Эътиқод мустаҳкамми?

«Ўз хоҳишимга кўра менн КПСС сафидан чиқаришларингизни сўрайман...»

Заводимиз партия ташкилотига кейинги пайтда ана шундай мазмунда коммунистлардан аризалар тушмоқда. Бир неча йиллардан бери ўзини партия ишн билан боғлаган ишчилар, хизматчилар партия сафидан чиқишга хоҳиш-истак билдирмоқдалар. Яқинда ўтказган партия йиғилишларимизнинг бирида 11 коммунистни КПСС сафидан чиқардик. Партия сафида бўлишни ўзига эп кўрмаган бу кишиларнинг нима учун шундай якдил фикрга келганлиги одамни таажжубга соларди. Олдиннга бу коммунистлар бўшанг, жамоат ишларидан ўзини четга олиб юрадиган ишчилар бўлишса керак деган хаёлга борган эдим. Яккама якка, ошкора суҳбатдан кейин бу фикримдан қайтдим. Улар анча фаол, жамоа манфаати учун астойдил жон куйдирадиган ишбилармон кишилар экан. Бу йўқотишлар партия ташкилотларига қимматга тушмаяптимикан?

Янгиланиш даврида партияда юзага келган бўшашувчанлик кўпчиликни довдиратиб қўйди. Коммунистлар ўзларини қўлга олиш ўрнига ҳар хил фикрларга берилиб кетдилар. Улар ҳатто ўзи аъзо бўлган партияга бўлган ишончидан айрилишди. Хўш, бунинг бониси нимада? Менинг назаримда партия ташкилотларининг мавқеини мустаҳкамлаш, ҳуқуқларини кенгайтириш ҳали ҳам давр талабидан орқада қолаётганлигидадир. Сир эмас, ҳозир кўпгина жойларда бошланғич партия ташкилотлари ҳали ҳам хўжалик ишлари билан машғул бўлиб қолмоқдалар. Мафкуравий ишларни кучайтиришга етарли эътибор ва баҳо беришмаяпти. Бунга аввало коммунистларда шахсий ташаббуснинг сўниб бораётганлиги сабабчи бўлаётир. Қолаверса, иш билан сўз бирлигининг амалдаги ифодасига ҳозир анча ишонч йўқолган. Одамлар ишдан кўра кўпроқ маҳмадонагарчиликка берилиб кетдилар. Бу аҳвол партия аъзоларида ҳам кузатилмоқда. Партия ташкилотларининг мустақиллигини ошириш, ролини кучайтириш уларни қизиқтирмай қўяяпти. Ана шу тарзда партияга бўлган ишонч сусаймоқда.

Ҳозир партия сафларини мустаҳкамлаш, унинг жамиятда тутган мавқеини сақлаб қолиш энг ўткир масалаларнинг бирига айланган. Шундай экан, бу ишга қандай эришиш мумкин? Аввало партия сафида виждонли, ҳалол, софдил кишилар қолиши керак. Кўзбўямачилик, ўзибўларчилик кайфиятидаги носоғлом кишиларга ўрин қолдирмаслик лозим. Негаки КПСС — ўзини ўзи бошқарадиган, ижтимоий-сиёсий ташкилот, маслакдош коммунистларнинг ихтиёрий бирлашмаси. Шундай экан, партияга қабул қилишда олдиндан қарор топган эскича услубларга ҳам барҳам бериш керак. Айниқса, КПСС сафига киришга хоҳиш билдирган муносиб кишиларни қўллаб-қувватлаш керак. Уларни икки йиллик синовдан кейин аъзоликка қабул қилиш эмас, балки бошланғич партия ташкилотининг қарори билан тўғридан-тўғри ҳеч қандай синов муддатисиз қабул қилган маъқул. Ўзим 16 йилдан бери КПСС аъзосиман. Шунча пайтдан бери синов муддати ўзини оқлаганлигини айта олмайман. Аксинча, бу усул КПСС аъзолигига муносиб кишиларни партияга қабул қилишини чеклаб қўйди. Назаримда, айни пайтда партиянн тарк этиш ҳам ана шу иллат туфайли бўлса керак. Партия сафларини мустаҳкамлаш учун коммунистларнинг фаол ҳаётий позициясини кучайтириш керак. Қолаверса, бошланғич партия ташкилотларининг ҳуқуқларини кенгайтириш зарур. Бу масалалар хусусида кўпчилик муҳокамасига қўйилган КПСС Устави лойиҳасида атрофлича фикр юритилган. Аммо уни ҳали янада такомиллаштириш, партия ташкилотларининг ҳуқуқ ва бурчларини аниқ белгилаб қўйиш лозим. Ишонамизки, партиянинг олий анжуманида бизни тўлқинлантираётган айни кўнглимиздаги бу гапларга етарли баҳо берилади.

Н. ҚОДИРОВА,
«Алгоритм» заводи партия комитетининг секретари.

«Уй-жой» дастури қандай бажарилмоқда?

Ночор таъминот

Иттифоқимизда 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида уй-жой билан таъминлаш хусусида махсус дастур қабул қилинганлиги кўпчиликнинг юрагига ўт ёққан эди. Лекин мазкур Қарор қабул қилинганига анчагина вақт ўтди. Ҳар йили шаҳримизда кўплаб квадрат метр хонадонлар эгаларига топшириляпти. Лекин барибир қурилишлар сифати, турар жой бинолариии ажратиш бугунги кун билан ҳамқадам эмаслиги, кўзланган маррага ўз вақтида етиб ололмаслигимизни кўрсатиб турибди. Бугунги кундаги мавжуд 3 та уйсозлик корхонаси ва бошқа қурилиш, пардозлаш ташкилотларн бунёдкорлик ишларнни адо этишга муносиб ҳисса қўшишларн лозим. Чунки шаҳримиздаги муаммонинг ҳал қилиниши айнан шу корхона меҳнат жамоаларининг фаолиятига боғлиқ.

БИЗНИНГ 1-уйсозлик корхонамиз ҳам йирик бунёдкор жамоалардан. У ҳар йили қанча-қанча шаҳарликларнинг уй тўйларига, оилавий кувончларига сабаб бўлади. Уй-жойларни барпо этиш кўрсаткичи шу йилнинг биринчи уч ойлигида 102,9 фоиз адо этилди. Режалаштирилган 67 минг 814 квадрат метр ўрнига 69 минг 767 квадрат метр турар жой майдонлари қуриб битказилди. Шаҳар ижроия қўмитаси томонидан зиммамизга юкланган топшириқлар ҳам 100 фоиз адо этилди.

Корхонамиз аксарият қурилишларда бош пудратчи сифатида иштирок этади. Бу соҳадаги ишлар ҳам кўнгилдагидек деб айтиш мумкин. Корхона уйсозлари белгиланган 14 миллион 831 минг ўрнига 15 миллион 135 минг сўм ҳажмида бош пудратчилик ишларини амалга оширди. Бу эса пардозлаш ва технологик босқичнинг кейинги жараёнлари учун иш шароити яратилди деган гап. Қурувчиларнинг ўз кучи билан амалга оширган ишлари белгиланган 11 миллион 600 минг сўм ўрнига 11 миллион 665 минг сўмни ташкил этди.

Аслида ҳамма қурилиш биноларини ҳам уйсозлар ўз кучлари билан қуришади. Лекин баъзи ишларда бош пудратчи сифатида иш кўрсалар, бошқаларида уйларни бошдан-оёқ ўзлари қурадилар. Корхона ўз сафларида 8 та қурилиш ташкилотларини бирлаштиради. Бу ташкилотларни асосий қурилиш маҳсулотлари билан таъминлаш ҳам бизнинг бўйнимизда. Бир қарашда уйсозларнинг ишларида муаммолар йўқдек туюлади. Ўзлари маҳсулот тайёрлашади, йирик панел деворларни, қурилиш-монтаж учун зарур маҳсулотларни етказиб беришса бас, уй-жойлар ўз муддатида битаверади. Ҳозир кўпгина корхоналар бундай шароитда иш кўришни орзу қилишади. Аксарият жамоалар бошқаларнинг таъминотига кўз тикиб тўтиришади. Бизга шу хусусда ҳавас қиладиганлар ҳам бўлса керак.

Лекин ишимиз ниҳоятда силлиқ кетаяпти деб айта олмаймиз. Юқорида план-топшириқлари тўла адо этилганлиги ҳақида тўхталдим, лекин бу қанчалик меҳнатлар эвазига амалга оширилаётганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Қурувчиларимизни қурилиш маҳсулотлари билан таъминлаш ниҳоятда қийин аҳволда. Бу ўзимизга боғлиқлигини айтишади. Лекин бир нарсани айтай. Бугун эрталабдан баъзи ишчилар ҳузуримга келиб, нима учун иш билан тўла таъминламаётганимизни сўрашди. 1-йирик панелли уйсозлик ҳамда 6-темир-бетон маҳсулотлари заводида кўпгина ишчилар бекор туриб қолишаётганини айтишди. Бу бир неча ойдан бери бизни ниҳоятда ташвишга солиб келаётган муаммо. Ишчилар корхонага меҳнат қилиш мақсадида келишади. Раҳбарларнинг фалон нарса йўқ, цемент ёки темир йўқ деган важ-карсонлари билан уларнинг нима ишлари бор? Ишга қабул қилганмизми, қандай бўлмасин иш майдони яратиб бериш керак. Ахир, ишчилар оила боқиши керак. Шу ўринда мен унумли меҳнат учун тўла имкониятлар яратиб бера олмаётганимиздан ниҳоятда афсусланиб кетаман. Бизнинг иқтисодимизда ҳамма тармоқлар бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган. Бугун таъминот масаласи ҳаммани ташвишга солаётган муаммолардан. Уйсозлик корхонасига қурилиш маҳсулотларини тайёрлаш учун қалин ва юпқа темирларнинг бир қанча турлари ишлатилади. Лекин сўнгги ойларда биз ана шу маҳсулотлар таъминоти ёмонлиги учун Тюмень билан тузган шартнома мажбуриятларини адо этолмаяпмиз. Ҳа, ҳар қанча ҳаракатлар ҳам зое кетяпти. Чунки бизда ингичка темир турлари йўқ. Челябинск ва Магнитогорск металлургия корхоналари бизга зарур турли пўлат ва темирларни ниҳоятда кам ҳажмда юборишяпти. 12 миллиметрли пўлатнинг белгиланган ҳажмидан учдан бир қисми ҳам келтирилгани йўқ. Бу соҳада жумҳурият Давлат моддий-техника таъминоти қўмитасининг бизга ниҳоятда кам маҳсулот ажратганини таъкидлаш керак. Ишнинг бир маромда бўлишини таъминлаш учун бўр ва битум етишмайди, ойналарнинг таъминоти ҳам яхши аҳволда эмас. Хўш, бугун шундай мураккаб таъминот шароитларида бизга осон тутиб бўладими? Юпқа пўлатнинг фақатгина Иттифоқимизнинг бошқа шаҳарларида ишлаб чиқарилиши ва уларнинг шартномани қандай хоҳлашса, шундай бажаришлари баъзан меҳнат жамоаларини қийнаб қўяди. Ахир ҳеч қуриш учун темир-бетон, бу маҳсулотларни тайёрлаш учун эса зарур хом ашёлар кераклиги табиий. Уй-жой муаммоси кун тартибидан тушмаётган бир пайтда уйсозлик корхонаси таъминотини орқага суриб қўйиш қандай бўларкин?

Яқин келгусида жумҳуриятимиз тўла хўжалик ҳисоби шароитида иш юрита бошлайди. Биз ҳамма нарсани имкон борича ўз ҳудудимизда тайёрлашимиз керак. Корхоналарнинг бугунги кунда синаб кўраётган тўғридан-тўғри ҳамкорлик қилиш ишлари эртанги кундаги одатий иш ҳолатига айланиб қолади. Корхонамиз таъминот масалалари мураккаблигини ҳисобга олиб, ана шундай ҳамкорлик тажрибаларини оширб боряпти. Жумҳуриятимиздаги энг йирик таъминотчиларимиз бўлган Бекобод металлургия корхонаси ва Бекобод цемент корхонаси билан алоқа ўрнатганмиз. Бугун улар зарур маҳсулотларни етказиб беришяпти. Биз эса мазкур корхоналарнинг меҳнат жамоалари учун турар жойлар бунёд этиб беряпмиз. Бекобод пўлатсозлари билан ҳамкорлик ҳозир ўз самарасини беряпти. Бугун улар зарур хом ашёнинг 50 фоизини ўз вақтида етказиб турибдилар. Пўлатсозлар бугунги кунда 14 миллиметр ва ундан қалинроқ бўлган пўлат таъминоти билан шуғулланадилар.

12 миллиметрли пўлат йўқлиги туфайли эса ўнлаб ишчилар бекор қолишяпти, қурилиш биноларини топшириш муддати чўзиляпти. Бугун биз таъминот шунақа экан, деб қўл қовуштириб ўтиришимиз ўринли бўлмас. Нима учун мана шу маҳсулот турини ҳам ўзимизнинг металлургия корхоналаримизда ўзлаштириш мумкин эмас? Тўғри, бу навлар кўп меҳнат талаб қиладн. Лекин барибир амалга оширса бўладиган иш. Қайта қуриш бугун иқтисодиётимизда дадил одимларни талаб қиладн. Шу соҳада мутасадди ташкилотлар янги ишни ўзлаштириш масалаларини кўриб чиқсалар, айни муддао бўларди. Агар юпқа пўлат ишлаб чиқариш ўзимизда жорий этилса, мингминг сўмлик йўл харажатларидан ҳам озод бўлишимиз мумкин эди.

Бугун уйсозларнинг олдида турган бир қатор муаммолардан кўз юммаслигимиз керак. Уй-жойларни топширишдаги баъзи нуқсонлар, ишчи кучлари таъминоти ҳам келгусида ҳал қилиниши лозим бўлган масалалардан. Биз ана шу масалаларни ҳал қилишга астойдил киришганмиз. Уйлаймизки, ҳамшаҳарларимиз қўллаб-қувватлашса, раҳбар ташкилотлар ўз ёрдамларини аямаса, келгусида бу муаммолар тўла бартараф этнладн. Уйсозларнинг муаммолари бартараф этнлсагина, навбат кутиб турган юзлаб ҳамшаҳарларимизни турар жой билан таъминлаш имкони туғнлади.

А. КИЛЬДЮШЕВ,
1-уйсозлик корхонаси бош инженери.

Қайта қуриш ва олий таълим

«ОБРЎ КУЧИ БИЛАН...»

ТОШКЕНТ халқ хўжалиги олийгоҳи партия ташкилоти ўз сафига 419 коммунистни бирлаштирган. Улар илм даргоҳи ҳаёти билан боғлиқ бўлган ўткир ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муаммолар, таълим-тарбия масалаларини ҳал этишда партия ташкилотига яқиндан ёрдам беришади. Жумладан, улар томонидан Давлат тили ҳақидаги Қонун моддаларн изчил амалга оширилмоқда. Уқув-тарбия жараёни билан ишлаб чиқаришнинг алоқасига эътибор берилмоқда.

Албатта, ютуқларни айтиш мароқли. Лекин ғоявий-сиёсий тарбия ва ўқув жараёнини ташкил этишдаги кўпгина нуқсонлардан кўз юмиб бўлмайди. Кўпчилик коммунист мураббийларда талабалар билан якка тартибда иш олиб бориш уқувининг етишмаслиги, талабаларнинг ўқув предметларини пухта ўзлаштириш даражасининг пастлиги бунга яққол мисол бўла олади.

Малакали иқтисодчи кадрлар тайёрлашнинг бош мезони — ўқув ва тарбия ишларининг бирлигига эришиш, ҳар бир предметни иқтисодиёт муаммоларига боғлаб ўрганиш, талабалар ва муаллимларнинг илмий-тадқиқот ишларини чуқурлаштириш, сабоқ бериш маҳоратини оширишдан иборатдир.

Талабаларнинг ғоявий-сиёсий онгини ўстиришда ижтимоий фанларнинг роли катта. Уларга ижтимоий фанларни ўқитиш бўйича сўроқ-анкета тарқатилганда ёшларнинг 45 фоизи бу фанлардан қониқмаётганликларини баён этишган. 20 фоизи эса бу саволга мутлақо жавоб бермаганлар. Кўпчилик ижтимоий фанларнинг ўқитиш ҳаётдан орқада қолганини, қайта қуриш талабларига жавоб бера олмаётганини ёзган.

Олийгоҳда 30 дан ортиқ миллатга мансуб кишилар ишлайди, таълим олади. Бу эса байналмилал тарбиянинг таъсирчанлигини оширишни тақозо этади. Айни пайтда профессор-ўқитувчиларнинг, хизматчилар ва талабаларнинг сиёсий маданиятини кўтариш, ўзаро ўртоқларча ҳурмат муҳитини қарор топтириш лозим бўлади. Олийгоҳ қошидаги ижтимоий-сиёсий марказнинг «Иқтисодиёт», «Мунозара» каби даъватхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш керак. Халқ анъаналари тарбияга хизмат этиши лозим. Олийгоҳда ўтказилган «Наврўз» байрами ана шундай тадбирлардан бири бўлди.

Партия ташкилоти ўтган даврда 34 та масаланн очиқ партия йиғилишида, 20 та масаланн эса бюро мажлисида муҳокама қилиб, қарорлар қабул қилган эди. Аммо кўпгина қарорлар ва коммунистлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг бажарилиши назоратдан четда қолди. Шунингдек, партия гуруҳларига раҳбарликда ҳам жиддий нуқсонлар бор. Кўпгина партия гуруҳлари коммунистлар билан етарли равишда иш олиб боришмаяпти.

Олийгоҳ миқёсида қайта қуриш жуда секинлик билан бормоқда, коммунистлар фаоллиги сезилмаяпти. Ғоявий-сиёсий ишларни ташкил этишда, талабаларнинг дам олиш ва бўш вақтини мароқли ўтказишда партия ташкилоти ўз имкониятн даражасида фаоллик кўрсатмаяпти. Ёниб кетган эски бинонн таъмирлаш, ётоқхонадаги маданий-маиший шароитни яхшилаш эътибордан четда қолаяпти. Партия ташкилотининг йиғилишлари ўз вақтида ўтказилмайди. Кадрларни танлаш ва тарбиялаш, тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш бўйича бир неча қарорлар қабул қилинди. Лекин уларнинг кўпи назоратсиз қолди.

Олийгоҳда ўзбек тили Давлат Қонунини изчил амалга ошириш, шунингдек, «Ўзбекистон тарихи», «Дин тарихи ва назарияси», «Ахлоқ асослари», «Ғузаллик қонуниятлари», «Маданият тарихи» ўқув предметларини мустаҳкамлаш, талабалар қалбида инсоний қадриятларни пайдо этишда бу предметларнинг ролини кучайтириш, ўзбек тилида дарслик-қўлланмалар яратиш, ёш олимларнинг илмий-методик изланишларига раҳнамолик қилишда ҳам кўпгина нуқсонлар бор.

Бу ерда 21 нафар Улуғ Ватан урушн қатнашчиси, 200 меҳнат ветерани, 40 профессор, 300 доцент ишлайди, уларнинг кўпчилиги коммунист. Бу устозлар тажрибаси ва маслаҳатларидан фойдаланиш, айни маҳалда уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш зарур.

Ётоқхонада яшаётган талабанинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этишда ҳам жиддий муаммолар кўзга ташланади. Уларга тиббий хизмат яхши йўлга қўйилмаган. Талабаларнинг фахш видео кўрсатувлари билан ошно бўлиб қолмасликлари, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка ружу қўймасликларининг олдини олиш керак. Ёзги таътилда студент-қурилиш отрядларининг олийгоҳ эски биносини таъмирлашда иштирок этишларини таъминлаш, бунда эса коммунистлар ташаббус кўрсатишлари лозим. Бинога Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Усмон Юсупов қадами теккан. Бинонинг таъмирланиши эса улар хотирасига ҳурматдир.

Олийгоҳда малакали иқтисодчи мутахассислар тарбиялаш — бош масала ҳисобланади. Шунинг учун ҳам халқ хўжалигига юбораётган кадрларни чуқур билим билан қуроллантириш керак. Иқтисодиёт соҳасидаги билимсизлик оқибатида жумҳуриятимиздаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муаммоларга дуч келиб қолганимиз ҳеч кимга сир эмас. Иқтисодий билимларни чуқур эгаллаган кишигина иқтисодий муаммоларни ҳал этиш йўлларини яхши билади.

Ёш олимлар ҳам ғамхўрликка муҳтож. Олийгоҳда кўплаб аёллар ишлайди. Уларнинг ҳолидан ҳамиша ҳам бохабар эмасмиз. Аёлларнинг уйда болалар тарбиясига кўпроқ вақти қолиши катта фойда келтиради. Улар учун даволаш, профилакторий, экстрасенс кабинетлари очиш керак.

Бу ерда таълим олаётган 15 минг талабанинг 5 минги кундузги бўлимларда ўқийди. Шундай экан, ўзини чин коммунист ҳисобланган кишилар бу ёшларнинг талаб ва истакларини ҳисобга олишлари керак. Инсон шахси, қадр-қиммати таълим-тарбия ишимизнинг мезони бўлмоғи, ўқитувчилар талабаларга инсонийлик муносабатда бўлишлари, қадриятлар ва анъаналарни ҳурмат қилишга ундашлари, ёшлар онгига Ватанга, Хотирага садоқат тушунчасини сингдиришлари лозим.

Юқорида зикр этилган камчиликлар олийгоҳнинг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида ҳам кескин танқид қилинди. Коммунистлар партия комитетининг янги бюро аъзоларини сайлаб, уларга ишонч билдиришди.

Олийгоҳ партия комитетининг янги сайланган секретари Ғайрат Рафиқов билан суҳбатлашдик.

— Партиянинг раҳнамолик ўрнини, унинг ижтимоий янгиланишини, олдинги сафларда бўлишини буйруқ билан белгилаб бўлмайди, — деди у. — Партия обрўсини тиклаш, унга бўлаётган ҳар хил хуружларни оқилона бартараф этиш, бир мақсад учун кураш йўлини танлашимиз керак. Бунда В. И. Ленининнинг ушбу сўзлари дастурилмалдир: «Зўрлик кучи билан эмас, балки обрў кучи билан, ғайрат кучи билан, тажрибаси зўрлиги билан ҳар томонлама иш кўрсата билиши, қобилияти зўрлиги билан, халқ ҳақида ғамхўрлиги билан иш олиб бориш керак».

Ғ. ҒАФУРОВ,
филология фанларн номзоди, доцент.

⊙ **ТОШКЕНТ КЕНГАЙМОҚДА ВА ЕШАРМОҚДА.** М. Горький номидаги майдон кейинги пайтда шаклланиб бетакрор қиёфага кирган пойтахтнинг диққатга сазовор жойларидан бирндир. Конференцияда шаҳарнинг ҳар бир даҳасига худди шундай қиёфа бахш этиш масалалари делегатлар диққат-эътиборида бўлишидан умидвормиз.

С. Лидов сурат-лавҳаси.

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Шаҳар ва ноҳия партия комитетларининг биринчи котиблари, шаҳар ижроия комитетларининг раислари, вилоят партия комитети бўлим мудирлари, вилоят ижроия комитети, комсомол ходимлари вакиллари иштирокида Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитетида бўлиб ўтган йиғилишда Совет Армияси сафларига бахорги чақириқни таъминлаш бўйича вазифалар, бу муҳим кампанияни мафкуравий таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишни Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. М. Мамарасулов очди. Жумҳурият ҳарбий комиссарининг муовини Ў. Ҳ. Ҳасанов нутқ сўзлади.

Йиғилишда, шунингдек, жумҳурият халқ депутатларининг Москвага бориб, Ўзбекистонлик йигитларни Совет Армияси сафларига чақириш ҳақидаги масалаларни қўйганликлари ҳақидаги ахборот ҳам тингланди. Бу масала юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари доимий комиссияси раиси Э. Ҳ. Халилов сўзга чиқди.

Кўрилган масалалар муҳокамасида Туркистон ҳарбий округи қўмондонининг биринчи ўринбосари, генерал-лейтенант А. И. Заҳаров, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков, Тошкент вилоят партия комитетининг котибаси Ш. Н. Маҳмудова ва бошқалар иштирок этдилар.

Сиз Армияга чақирув ёшидасиз...

ОЙ БОРИБ, ОМОН ҚАЙТИНГ

ҚИСМИМИЗДА турли миллат фарзандлари хизмат қилишади. Қувончимиз ҳам, ташвишларимиз ҳам бор. Албатта иш бор жойда баҳслар ва ташвишлар бўлади. Лекин буларнинг ҳаммаси умумманфаат йўлидаги мунозаралардир.

Ёшлигимда сипоҳлиқ касбини танлаганимдан фахрланаман. Орзуим — ўзбек йигитларидан кўплаб ҳарбийлар етишиб чиқсин, сафимиз кенгайсин. Ватан ҳимояси ҳар бир давр, ҳар бир халқ учун асосий вазифа ҳисобланган. Тинчликни ҳам ҳимоя қилиш керак-ку, ахир!

Сўнгги пайтларда баъзи ноҳуш воқеалар содир бўлди, армия ҳақида турли гаплар тарқалди. Дарҳақиқат, армияда ҳам ҳал этилиши зарур бўлган талай муаммолар бор. Бунинг устига баъзи қисмлардаги кўнгилсизликлар айрим ота-оналарни ташвишга солиб қўйди. Бундан, айниқса, фарзандлари баҳорда чақирилган ота-оналар безовтадир. Таъкидлаш жоиз, бу ҳамма жойда тез-тез такрорланадиган ҳол дейиш асло мумкин эмас. Ҳозир армияда ҳам қайта қуриш кетяпти. Байналмилал дўстликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериляпти. Шахсан ўзим бошчилик қилаётган қисмда ўзбек йигитлари билан бошқа миллатга мансуб аскарлар ўртасида бир-бирига ҳурмат, ишонч бор. Илгари бирон-бир жиддий низо чиққанини эслолмайман. Ҳамюртларимиз шарафли танкчи деган номга муносиб бўлишга интилишяпти. Билмаганларини қардош дўстларидан сўрашади, билганларини ўргатишади. Бундан қувонаман.

Армияга чақирилаётган азиз укажонлар! Бурчингизни шараф билан адо этиб, уйингизга соғ-саломат қайтинг. Ватанимиз осойишталиги сиз билан бизга боғлиқ. Ой бориб, омон қайтинг.

Подполковник Н. САИДОВ,
Қизил Байроқли Белоруссия ҳарбий округи. Н-қисм.

АҲИЛЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

ЎТГАН йили кузда қўшнимизнинг ўғли Комилжон Дадаевни армия сафига кузатдик. Маҳалламиз кексалари хайрлашар эканлар: «Ой бориб, омон қайтгин, болам», — дея фотиҳа беришди. Биз фарзандларимизга шундай тилак билдириб, уларнинг соғ-саломат қайтиб келишига кўникиб қолганмиз. Комилжон ҳозир Рязань шаҳрида хизмат қилаяпти. Ундан ўғлим Абдувоҳидга бир неча марта хат келди. «Ҳўш; ўртоғингнинг аҳволи қандай экан?», деб сўраб тураман. У хотиржамлик билан «яхши» дейди. Хизматнинг кўнгилдагидек ўтиши йигитларимизнинг ўзларига боғлиқ экан-да, деб ўйлаб қоламан. Улар бошқа миллатдаги тенгқурлари билан аҳил бўлсалар ҳеч қачон кўнгилсиз воқеалар рўй бермайди.

Абдувоҳид ҳозир шофёрлик касбини танлаяпти. Ҳадемай у ҳам ҳарбий хизматга чақирилади. Ҳозир партия ва ҳукуматимиз армия сафларидаги маънавий муҳитни яхшилаш ва аскар йигитларга шароитлар яратиб бериш учун тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Бундан бизнинг кўнглимиз таскин топяпти.

М. НАБИХЎЖАЕВА,
«Шарқ гули» бадиий буюмлар фабрикасининг ишчиси.

МУҚАДДАС БУРЧ

ҲОЗИР яна ҳарбий хизматга чақириқ бошланиб, мамлакатимиздан ўн минглаб ўсмирлар армия сафига жўнамоқдалар. 2-3 йил ичида улар ҳар томонлама чиниқишади. Менимча, аввало халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, Совет Қуролли Кучлари сафидаги таълим-тарбия ишларини жонлантириш зарур. Шундагина бундай ҳодисалар ўз-ўзидан барҳам топаверади.

Ҳарбий хизмат доимо ёшларимиз учун тарбия ўчоғи, чиниқиш мактаби эди. Келажакда ҳам шундай бўлиб қолишига ишонаман.

П. СИЛИН,
Чилонзор район, 11-мавзеда яшовчи пенсионер.

ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА

⊙ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ислоҳоти мактаблар олдига янги вазифаларни қўйди. Мустаҳкам спорт базасига эга бўлмай туриб, жисмоний тарбияни намунали ташкил этиб бўлмаслиги ҳам алоҳида таъкидланади.

Бектемир районида спорт иншоотлари ва майдонлари етишмаслигига қарамасдан мактабларда ҳарбий машқлар беллашуви яхши йўлга қўйилган.

СУРАТДА: Бектемир район халқ таълими бўлими мудири Абдулаҳад Йўлчиев 5-мактабда ҳарбий-ватанпарварлик беллашувини ўтказаётган ҳакамлар ҳайъати билан суҳбатлашмоқда.

И. Шербеков сурати.

МУНГЛИ КЎЗЛАР

(ҚАТРА)

ОТА-оналаримизнинг қадимий урф-одатлари — меҳр-оқибатли бўлишни ҳеч қандай бойликка тенглаштириб бўлмайди. Шуни ўйлаганимда ўз дилбандини «Болалар уйига ташлаб кетаётган тошюрак оналар, ота-оналарини «Қариялар уйига топшириб қочаётган нодон фарзандлар кўзимга жуда хунук кўриниб кетади.

Бир куни Қорақамишдаги «Қариялар уйи»да бўлганимда, аянчли воқеанинг гувоҳи бўлиб, қаттиқ ўксиндим.

Қарангки, шу гўшада 255 қария яшар экан! Уларнинг кўпчилигининг фарзандлари бор бўла туриб, қарамай қўйишган экан.

Кўз ўнгимга келтираман. 255 синиқ кўнгил!.. Шунча мунгли кўз! 255 мўътабар ота-онанинг камситилган қадри!

Қалбим эзилиб, хаёл суриб турган эдим, шу пайт дарвоза олдига бир машина келиб тўхтади. Ундан қўлида тугун ушлаган бир мункиллаган чол тушиб, қариялар уйига кириб кетди.

Во ажаб! Қариялар уйидаги мунгли кўзларга яна бир синиқ кўнгил, кўзи мунгли отахон қўшилди.

Мен шунда суюкли дадажонимнинг нақадар мўътабарликларини ўйлаб, мангу эъзозлашни дилимга тугдим.

Камолиддин УМАРОВ,
Октябрь районидаги 84-ўрта мактабининг 11-синф ўқувчиси.

ЖИНОЯТЧИ ҚИДИРИЛМОҚДА

1990 йил 3 май куни Тошкент шаҳрининг Ҳамза райони ҳарбий комиссариатининг навбатчилик қилинадиган хонасида эрталаб тахминан 6.30 дан 7.40 минутгача бўлган даврда навбатчи офицер майор Бочинский ов милтиғидан ёки қирқма милтиқдан отиб ўлдирилган.

Жиноятчи воқеа содир бўлган жойдан яширинган ва шу вақтгача унинг шахси аниқланмаган.

Қотилни ҳарбий прокуратура, милиция ва давлат хавфсизлиги органлари қидирмоқдалар.

Қотиллик ҳолати ёки жиноятчининг шахси тўғрисида бирон-бир маълумотни билган фуқаролардан кеча-кундузнинг истаган вақтида Тошкент гарнизони ҳарбий прокуратурасига ёки Туркистон ҳарбий округининг ҳарбий прокуратурасига маълум қилишларини сўраймиз.

Телефонлар: 56-40-48, 56-85-29, 56-34-47, 56-32-40, 33-60-32, 56-40-28.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР халқ таълими вазирлиги
Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси
Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш вазирлиги базасидаги

14-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1990—1991 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Электр-газ пайвандчилар; кенг профилдаги станокчилар; слесарь-сантехник, газ пайвандчилар; технологик қурилмалар ва металл конструкциялари монтажи бўйича слесарь-монтажчилар; автомобиллар ремонти бўйича слесарлар; электр-газ пайвандчилар ихтисоси билан бирга «В» ва «С» категориядаги автомобиль ҳайдовчилар.

ЎҚИШГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ 9-11 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 10 ой ва 3 йил.

3 йил муддат билан ўқиётган ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар, улар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тугатганларга ўрта маълумот тўғрисида ва касб эгаллаганлиги ҳақида диплом ҳамда мутахассислик даражасида (разряди) берилади.

10 синф маълумотига эга бўлган ўқувчиларга ойига 30—76 сўмгача стипендия тўланади.

Ишлаб-чиқариш тажрибаси (практикаси) даврида ҳамма ўқувчиларга иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга кириш имкониятига эгадирлар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАН ЎҚУВЧИЛАР ЎЗБЕКИСТОН ССР МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ТРЕСТЛАРИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: Директор номига ариза; туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт; маълумоти ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси); яшаш жойидан справка; медицина справкаси; 6 дона фотосурат (3х4 см).

Бизнинг манзилгоҳимиз: 700073, Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Оқдарё кўчаси, 122-уй. (12, 52, 68, 111, 183-автобуслар; 5, 26-трамвайларнинг «Ёғ-мой комбинати» бекати; 26, 161-автобусларнинг «Жамила» дўкони бекати). Қабул комиссияси. Телефон: 91-33-94.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими нозирлиги

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ

«КОМПРЕССОР» ва «АГРЕГАТ» заводлари қошидаги
25-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кенг соҳали дастгоҳсоз, газ-электр пайвандловчи, ускуналарни таъмирлаш бўйича слесарь, бўёқчи-сувоқчи, техник-назорат бўлими назоратчиси, «КАМАз» двигателини таъмирлаш бўйича моторчи.

ЎҚИШГА 8-10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Ўқиш муддати 3 йил ва 1 йил.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга маошининг 50 фоизи тўланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ ИШ СТАЖИГА КИРАДИ.

Таълим даврида муваффақиятли ўқиган ўқувчилар техника олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Совет Армияси сафларида хизматни ўтаб бўлган, Тошкент шаҳри ва унинг ён-атрофида истиқомат қиладиган ўсмирлар «КАМАз» двигатели моторчиси» касбини ўрганишга таклиф қилинадилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ.

Битирувчилар 10-авторемонт заводида 2 йил ишлаб беришлари шарт.

Ҳар ойда 100 сўм миқдорида стипендия тўланади.

Билим юртига кирувчилар директор номига ариза, 9 ёки 11-синфни тугаллаганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки аттестат, характеристика, медицина справкаси, турар жойидан справка топширадилар.

«ФОТОН» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузуридаги

39-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚИЗЛАР УЧУН: ярим ўтказгич асбоблар ва интеграл микросхемаларни йиғувчи, электрон саноати асбобларини синовчи, электрон саноати техника назорати бўлимининг назоратчиси;

ЙИГИТЛАР УЧУН: технологик ускуналарни созловчи, радиоэлектрон аппаратураларнинг монтажчиси, кенг профилдаги станокчи.

Ўқишга 8 ва 10 синф маълумотига эга бўлган Тошкент шаҳри ва Тошкент области (Калинин, Оржоникидзе, Янгийўл районлари)да **яшовчи йигит ва қизлар қабул қилинади.**

10-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 10 ой.

МАШҒУЛОТЛАР — «ярим ўтказгич асбоблар ва интеграл схемаларни йиғувчи», «электрон саноати техника назорати бўлимининг назоратчиси», «электрон саноати асбоблари синовчи» ихтисосликлари бўйича ўқиётган қизлар учун группаларнинг тўлишига қараб бошланади.

Ўқувчиларга ойига 77 сўм стипендия тўланади. Билим юртини тамомлагач ўқувчиларга эгаллаган касби бўйича малака оширганлик ҳақидаги диплом берилади.

8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртини тамомлагач уларга касб эгаллаганлиги ва ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом берилади.

Таълим даврида ўқувчилар уч маҳал бепул овқат, ишлаб чиқариш практикаси даврида ўзлари ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 фоизи билан таъминланадилар.

Ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар имтиёзли шартлар билан олий ўқув юртларига қабул қилинадилар.

Билим юрти ўқувчиларни информатика ва ҳисоблаш техникасига ўқитиш учун «КУВТ-86» ҳисоблаш машинасига, спорт базасига эга, вокал-чолғу ансамбли, самбо секцияси, радио ва техника ижодиёти тўгараклари ишлаб турибди.

Билим юртига ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: 8-синфни тамомлаганлик ҳақидаги гувоҳнома, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, медицина справкаси (086/У форма), яшаш жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 8-дона фотосурат (4 дона — 3х4, 4 дона 4х5 см. ҳажмида).

Бизнинг адрес: 700005, Тошкент шаҳри, Ленин райони, Весна кўчаси (5, 12, 68э, 183-автобусларнинг «Узбум» бекати; 1, 5, 26 трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-51.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/V да **Ўзбекистон хореография билим юрти ўқувчиларининг ҳисобот концерти** (18.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 10/V да **Гул ва Наврўз**, 11/V да **Шайтон муридлари**, 12/V да **Табассум оқшоми.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/V да **Фармонбиби араздаси** (19.00, ТошДУнинг Маданият саройи биносида).

КИНО

10, МАЙДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ҲАҚГЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (катта зал, 16, 18.30, 20.40); «ҲАҚГЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (кичик зал, 17, 19.30).

Чайка — «ҲАҚГЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (16, 18.30, 21.00).

Нукус — «ҲАҚГЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (16, 18.30, 20.45).

К. Ерматов номли — «УЧРАШУВ» (16, 18.30, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЗИТА ВА ГИТА» (16, 18.30, 21.00).

Фестиваль — (ёзги) — «ТАЗИИҚ ОСТИДА» (20.10).

11, 12, 13 МАЙДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ҲАҚГЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.40); «ҲАҚГЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

Чайка — «ҲАҚГЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00)

Нукус — «ҲАҚГЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

К. Ерматов номли — «УЧРАШУВ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЗИТА ВА ГИТА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Фестиваль — (ёзги) — «ТАЗИИҚ ОСТИДА» (20.10).

ЎРТА ОСИЁ МЕДИЦИНА-ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

15 МАЙГАЧА ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Чермет кўчаси, 103-уй (19, 83, 156, 165-автобуслар, 10, 15, 152, 153-маршрут таксиларининг «Ўрта Осиё медицина-педиатрия институти бекати).

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ КЛИНИКАЛАРИНИНГ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

16 май соат 10.00 да

медицина билим юртига киришни хоҳловчилар учун

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

БИЛИМ ЮРТИ МАСКАНИ: 700109, Тошкент шаҳри, Шифокорлар шаҳарчаси, 6-ётоқхона (10, 28, 34, 82, 100-автобуслар; 15, 16-трамвайларнинг «Шифокорлар шаҳарчаси» бекати).

Тошкент политехника институтининг саноат ва граждан қурилиши факультети жамоаси техника фанлари номзоди, доцент Ў. Р. Жаборовга онаси

Бекпошша ИСКАНДАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент политехника институти ректорати, уруш ветеранлари кенгаши, кимё-технология факультетининг жамоаси институт ходими, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, кекса коммунист

Исроил АҲМАДЖОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ МАДАНИЯТ САРОЙИДА

21, 23, 25, 28, 30 май кунлари соат 18.00 да

ЭКСТРАСЕНС
АБДУРАФИҚ ҒАФУРОВНИНГ

СОҒЛОМЛАШТИРИШ СЕАНСЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

СЕАНСЛАР АЛЛАН ЧУМАК УСУЛИ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАДИ

Абонементлар Тошкент Давлат университетининг Маданият саройида сотилмоқда.

Қўнимгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ТошДУ Маданият саройи. Телефон 46-39-55.

ЖУМҲУРИЯТ ИҚТИСОД ВА ФАН-ТЕХНИКА УЙИ ЎЗБЕКИСТОН ССР «БИЛИМ» ЖАМИЯТИ

аутотреннинг ва контактсиз массаж бўйича икки ҳафталик,

ПУЛЛИҚ КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотларни психологлар ассоциацияси аъзоси, Рига, Куйбишев, Саратов, Тошкентда бир неча бор машғулотлар ўтказган олмаоталик тажрибали психо-физиолог олиб боради.

Бир вақтнинг ўзида «Аутотреннинг ва контактсиз массаж бўйича олти дарс» группасига ҳам қабул эълон қилади.

Мурожаат учун манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 13-уй (Собиқ ЎзССР 50 йиллиги кўчаси). ЎзССР «Билим» жамияти биноси, 36-хона, ҳар куни соат 17 дан 19 гача.

Маълумотлар учун телефонлар: 44-55-34; 44-57-44.

КИНО МУХЛИСЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИНИНГ ЭКРАНЛАРИГА

«ҲАҚГЎЙЛИҚНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ»

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИ ЧИҚАРИЛДИ

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ

«Шарқфильм» ижодий бирлашмаси маҳсулоти.

Сценарий муаллифлари — ГЕОРГИЙ ВАЙНЕР, ЛЕОНИД СЛОВИН, ЗИНОВИЙ РОЙЗМАН **иштирокида.**
Постановкачи-режиссёр — ЗИНОВИЙ РОЙЗМАН.

Ролларда: М. РАЖАБОВ, А. ФАТЮШИН, И. ШЕВЧУК ва бошқалар.

Бу ўткир сюжетли, томошабоп детектив, область жиноят қидирув бошқармаси собиқ бошлиғининг наркотикларни ва «қўлбола» коньякни пуллаш билан шуғулланувчи жиноятчиларга қарши оғир кураши ва тақдири ҳақидаги ҳикоядир.

КИНОФИЛЬМЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИДОРАСИ.

ПЕПСИ-КОЛА, ЛИМОНАД, ТОШКЕНТ СУВИ

ВА БОШҚА ЧАНҚОВБОСДИ ИЧИМЛИКЛАР ҲАМИША ДАСТУРХОНИМИЗДА БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ, БЎШ ШИША ИДИШЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТОПШИРИНГ. САНОАТИМИЗ БЎШ ШИША ИДИШЛАР ТАНҚИСЛИГИНИ ЎТКИР ҲИС ЭТМОҚДА.

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИНИНГ МАКОНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

МАГАЗИНЛАР ҚОШИДАГИ ПУНКТЛАР:

2-ПУНКТ — Вокзалолди майдони;
3-ПУНКТ — Полторацкий кўчаси, 20 «а» уй;
5-ПУНКТ — 4-Қўйлиқ даҳаси, 19-уй;
8-ПУНКТ — Файзиобод кўчаси;
10-ПУНКТ — Қорасув бозори;
14-ПУНКТ — Новий путь кўчаси;
20-ПУНКТ — 1-Қўйлиқ даҳаси, 16-уй;
22-ПУНКТ — Мунис кўчаси, 1;
26-ПУНКТ — Пирмуҳамедов кўчаси;
28-ПУНКТ — Тарас Шевченко кўчаси, 8;
30-ПУНКТ — Сариқўл кўчаси;
31-ПУНКТ — Куйбишев шоссеси, 844;
41-ПУНКТ — Мичурин кўчаси;
49-ПУНКТ — Стародубцев кўчаси;
50-ПУНКТ — Новий путь кўчаси.

АЛОҲИДА ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ:

1-ПУНКТ — Фоменко кўчаси;
2-ПУНКТ — 2-Қўйлиқ даҳаси;
3-ПУНКТ — Будённий кўчаси, 10 «а».

ШИША ИДИШЛАРИНИ УЙДАН ЧИҚМАЙ ТОПШИРИШ ҲАМ МУМКИН. БУНИНГ УЧУН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИШ КЕРАК:

2-магазин — 99-74-25;
5-магазин — 90-27-73;
14-магазин — 91-60-40;
28-магазин — 56-09-45.

САВДО ТАШКИЛОТИНИНГ АХБОРОТ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТИ ШИША ИДИШЛАРНИ ТОПШИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛЛАРГА ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ ЖАВОБ БЕРАДИ: 44-98-64, 55-68-03.

ЛЕНИН РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ ТАШКИЛОТИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-53-83.

Яншанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 10066.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.